

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

41-сон
(957)
2020 йил
19 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

450. «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги ўРҚ–641-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

451. «Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ–4860-сон қарори

452. «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ–4861-сон қарори

453. «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қарори

454. «Саримсоқпиез ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 октябрдаги ПҚ-4863-сон қарори
455. «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш дастурларини шакллантиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 октябрдаги ПҚ-4864-сон қарори

Бешинчи бўлим

456. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 10 сентябрдаги 40-сон, 2020 йил 9 сентябрдаги 2020-11-сон «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1662-5*)
457. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 6 сентябрдаги 2020-34-сон, 2020 йил 29 августдаги 01-02/15-42-сон, 2020 йил 5 сентябрдаги 20/1-сон «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2467-3*)
458. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 29 сентябрдаги 04/19-05/01-сон «Табийий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2147-2*)
459. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 9 сентябрдаги 01-02/12-44-сон «Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3154-1*)

460. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 17 сентябрдаги 260-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодлар танловини ўтказиш бўйича методикаларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2987-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

450 Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 22 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ногиронлик белгисига кўра камситиш — мақсади ёки натижаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий соҳада ёки бошқа соҳада ўзгалар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этишни ёки рўёбга чиқаришни инкор қилишдан иборат бўлган, ногиронлик сабабли ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш;

ногиронлиги бўлган болалар (бола) — барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари туфайли ҳаётий фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар;

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 октябрда эълон қилинган.

ногиронлиги бўлган шахс — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки рухий нуқсонлари бўлган шахс;

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш — ҳаёт фаолиятига доир чекловларни енгиб ўтиш, уларнинг ўрнини қоплаш (компенсация қилиш) учун ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитларни таъминлайдиган ҳамда уларга жамият ва давлат ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари — ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг равишда иштирок этиш имкониятларини таъминлаш мақсадида тузилган нодавлат ношжорат ташкилотлари;

протез-ортопедия мосламалари — йўқ бўлган қўл-оёқларнинг ёки тана бошқа қисмларининг ўрнини босиш учун мўлжалланган, организмнинг бузилган ёки йўқолган функцияларини компенсация қилувчи мосламалар;

сурдотаржима — бирор-бир тилдан дактил алифбоси ёрдамида ва (ёки) имо-ишора тилида таржима қилиш усули;

сурдотехника воситалари — эшитишдаги нуқсонларни тузатиш ва компенсация қилиш учун техник воситалар, шу жумладан алоқани ва ахборот узатишни кучайтирувчи воситалар;

тиббий-ижтимоий экспертиза — текширувдан ўтказилаётган шахснинг клиник-функционал, ижтимоий, касбий-меҳнат ва психологик маълумотларини комплекс баҳолаш асосида унинг соғлиғи йўқолганлиги даражасини ҳамда организмнинг функциялари турғун бузилганлиги сабабли ҳаёт фаолияти чекланганлиги даражасини, ногиронлик гуруҳини, ногиронликнинг бошланиши сабаби ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек шахс учун соғлиғининг ҳолатига кўра мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва зарур меҳнат шароитлари, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволашнининг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжи тўғрисида тавсиялар бериш;

тифлотехника воситалари — ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўришидаги нуқсони натижасида йўқолган имкониятларини тиклаш ва компенсация қилишга қаратилган воситалар;

шахс ҳаёт фаолиятининг чекланганлиги — шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хулқ-атворини назорат қилиш, шунингдек ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўлиқ ёхуд қисман йўқотганлиги.

4-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қиммати, уларнинг мустақиллигини, танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш;

ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик;

инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги;

ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланаётган қобилятини ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

объектлар ва хизматларнинг қулайлиги;

ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ва давлатнинг ҳаётига жалб этиш.

5-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қиммати, уларнинг мустақиллигини, танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш принципи

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қиммати, уларнинг мустақиллигини, танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва улар оилаларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бошқа фуқаролар билан тенг равишда ҳимоя қилиш ҳамда амалга ошириш кафолатларини белгилаш орқали таъминланади.

6-модда. Ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик принципи

Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш ёки афзал кўриш, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишни рад этиш тақиқланади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун имкониятлар тенглигини таъминлашга ҳамда уларни жамият ва давлат ҳаётига жалб этишга қаратилган махсус чоралар бошқа фуқароларга нисбатан камситувчи чоралар ҳисобланмайди.

7-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги принципи

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги улар учун объектлар ҳамда хизматлардан, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардан, соғлиқни сақлашдан, таълимдан, ишга жойлашишдан, шунингдек ахборотдан ва алоқа воситаларидан фойдаланиш кафолатларини яратишга ҳамда улардан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини беришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан таъминланади.

8-модда. Ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланаётган қобилиятини ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш принципи

Ногиронлиги бўлган болалар бошқа болалар билан тенг равишда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлиқ ҳажмда фойдаланади.

Ногиронлиги бўлган болаларни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини, меҳнатга бўлган қизиқишига кўмаклашиш, таълимга, илм-фанга, техникага, санъат ва спортга жалб этиш мақсадида ногиронлиги бўлган болалар манфаатларининг устунлиги уларга нисбатан бажариладиган барча ҳаракатларда устувор ҳисобланади.

9-модда. Объектлар ва хизматларнинг қулайлиги принципи

Объектлар ва хизматларнинг қулайлиги ногиронлиги бўлган шахсларнинг бинолардан, иншоотлардан, транспортдан, ахборотдан ва алоқа воситаларидан, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларидан, шунингдек бошқа объектлардан ва аҳолига кўрсатиладиган хизматлардан ўзга фуқаролар билан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш йўли билан таъминланади.

Шаҳарларни, бошқа аҳоли пунктларини режалаштиришга ва қуришга, турар жой ва рекреация зоналарини шакллантиришга, янги қурилиш учун мўлжалланган лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишга, биноларни, иншоотларни ва уларнинг мажмуаларини реконструкция қилишга, шунингдек умумий фойдаланишдаги транспорт воситаларини, ахборотни ҳамда алоқа воситаларини ишлаб чиқишга ва ишлаб чиқаришга мазкур объектларни ногиронлиги бўлган шахсларнинг улардан монеликсиз фойдаланиши учун мослаш-тирмасдан йўл қўйилмайди.

10-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ва давлат ҳаётига жалб этиш принципи

Ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ва давлат ҳаётига жалб этиш уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишини ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда чекловларнинг ҳар қандай шакллариغا йўл қўймаслик орқали амалга оширилади.

Давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётига жалб этишни таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади.

2-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасини тартибга солиш

11-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг камситилишига йўл қўймаслик юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини бошқа фуқаролар билан тенг равишда таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ва давлат ҳаётига жалб этиш;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш масалалари бўйича жамиятда маърифий-тарбиявий ишларни ташкил этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзив таълим (мактабгача, мактабдан ташқари, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал, олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим) олиш имкониятини таъминлаш;

давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқирилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлайди;

давлат бошқаруви органларининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича хизматларнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажмини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Давлат бошқаруви органларининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилайди;

ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир давлат дастурларини шакллантиради ҳамда амалга оширади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилишини ҳамда мутахассислар тайёрланишини молиялаштиради ва ташкил этади;

ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича стационар муассасалар тармоғини ривожлантиришга доир чоралар кўради;

реабилитация, илмий-ишлаб чиқариш марказларининг, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш стационар муассасаларининг, ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ҳамда санаторий-курорт муассасаларининг тармоғини яратади, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатиш бўйича ташкилотларни ташкил этади;

давлат соғлиқни сақлаш тизимининг амбулатория ва стационар даволаш-профилактика муассасаларида тиклаш терапияси бўлимларининг тармоғини яратади.

Давлат бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир ҳудудий дастурларни шакллантиради, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

15-модда. Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари фаолиятини мувофиқ-

лаштириш ва ушбу Қонуннинг қоидалари бажарилишини таъминлашга қаратилган келишилган саъй-ҳаракатларни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш таркибига ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ўз ваколатига кирадиган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар вакиллари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари вакиллари киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарларидан бири Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш раисидир.

Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгашнинг мажлислари заруратга қараб, лекин ярим йилда камида бир марта раис томонидан чақирилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

16-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир фаолиятни амалга ошириш чоғида давлатдан ва белгиланган тартибда халқаро ташкилотлардан ҳуқуқий, услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши;

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, шунингдек тегишли тадбирларни молиялаштиришда иштирок этиши;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқа фуқаролар билан тенг равишда бинолардан, иншоотлардан, транспортдан, ахборотдан ва алоқа воситаларидан, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда тизимларидан, шунингдек бошқа объектлардан ва аҳолига кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишда иштирок этиши мумкин;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

17-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиришда:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш юзасидан таклифлар киритиш;

ногиронлиги бўлган шахсларга тегишли ижтимоий хизмат турларини тақдим этиш самарадорлигини баҳолашда иштирок этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклифлар киритиш;

Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш ишида ва мажлисларида иштирок этиш;

ваколатли давлат органлари билан биргаликда спорт, маърифий ва маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш йўли билан иштирок этишга ҳақлидир.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларига дахлдор қарорларни тайёрлаш ҳамда қабул қилишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ва уларнинг ваколатли вакиллари билан ҳамкорлик қилади.

Юридик ва жисмоний шахслар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларига моддий-техник ҳамда молиявий ёрдам кўрсатиши мумкин.

3-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш**18-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглигини таъминлаш ва камситилишига йўл қўймаслик**

Ногиронлик белгиси бўйича ҳар қандай камситиш тақиқланади.

Тенг имкониятларни таъминлаш ва ногиронлик белгисига кўра камситилишига йўл қўймаслик учун давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ҳамда хизматлардан, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардан, соғлиқни сақлашдан, таълимдан, ишга жойлашишдан, шунингдек ахборотдан ва алоқа воситаларидан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади.

Давлат камситилишнинг барча шаклларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенг равишда ва самарали ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Давлат инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланиш имкониятини беришда ногиронлиги бўлган шахсларнинг камситилишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

19-модда. Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи

Ногиронлиги бўлган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тажовузлардан ҳимоя қилиниш, ўз шахсий ҳаёти, оиласи, уй-жойи ёки хат-хабарлари дахлсизлиги, шаъни ва кадр-қиммати ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга.

Давлат ногиронлиги бўлган шахснинг шахси, соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш чораларини кўради.

20-модда. Оилага ва оила муҳитига бўлган ҳуқуқ

Давлат ногиронлиги бўлган болаларнинг оилага ва оила муҳитига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириладиган ногиронлиги бўлган болалар сонини қисқартириш, уларнинг оилавий шароитларда ва ногиронлиги бўлган болаларни жойлаштиришнинг бошқа шакллари доирасида қариндошларини жалб этиш ҳисобидан муқобил парвариш қилинишини таъминлаш чораларини кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларга моддий, маслаҳатга оид ва бошқача тарзда ёрдам беради ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

21-модда. Фуқаролик ва эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи

Ногиронлиги бўлган шахслар бошқа фуқаролар билан тенг равишда фуқароликни олиш ва ўзгартириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга, бундан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар мустасно.

Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ногиронлиги бўлган шахсларни уларнинг ёши, жинси ва ногиронлик шаклини, шунингдек шахсий эҳтиёжларини инобатга олувчи қўллаб-қувватлаш ҳамда хизматлар кўрсатиш дастурларининг мавжудлиги ва қулайлиги тўғрисида хабардор қилади.

22-модда. Уй-жойга бўлган ҳуқуқ

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурларидан ва махсус дастурлардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларга ва ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилаларга уй-жойни қулай нархлар бўйича олиш учун зарур шарт-шароитлар ҳамда имкониятларни таъминлайди.

Уй-жойга ёки уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларни ҳисобга олиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан уй-жой олишга ёки уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш рўйхатларини шакллантириш чоғида ногиронлиги бўлган шахслар

ва ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилалар алоҳида рўйхатга киритилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурлари ва махсус дастурлар доирасида имтиёзли шартлар асосида уй-жой ва имтиёзли ипотека кредити олиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлиги бўлган шахсларга ва ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилаларга якка тартибда уй-жой қуриш, ёрдамчи хўжаликни, дала ҳовли хўжалигини ва боғдорчиликни юритиш учун имтиёзли шартлар асосида ер участкалари олиш ҳуқуқи берилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жойни тақсимлашда имкониятга қараб, объектлар ва хизматларнинг қулайлиги принципига риоя этилган ҳолда, иш жойига, тиббиёт ва реабилитация муассасаларига яқин бўлган уй-жой берилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларга давлат уй-жой фондининг кўп квартиралари уйларидаги турар жойлар уларнинг хоҳишига кўра пастки қаватлардан берилиши мумкин. Юқори қаватлардаги квартираларга эга бўлган ногиронлиги бўлган шахслар бўш турар жойлар мавжуд бўлган тақдирда уларни пастки қаватларда жойлашган турар жойларга алмаштиришга ҳақли.

Ногиронлиги бўлган шахсларга ёки ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилаларга бериладиган турар жойлар объектлар ва хизматларнинг қулайлиги принципига мувофиқ бўлиши керак.

Ногиронлиги бўлган шахслар эгаллаб турган турар жойлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши ва фойдаланиши учун махсус воситалар ҳамда мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Мазкур турар жойларни жиҳозлаш маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар имтиёзли шартлар асосида ижтимоий уй-жой олиш ҳуқуқига эга.

23-модда. Ижтимоий инфратузилма объектларини ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига риоя этган ҳолда лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг, шу жумладан ўриндиқли аравачалардан ҳамда етакловчи итлардан фойдаланувчи шахсларнинг барча ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томоша муассасаларига ҳамда бошқа муассасаларга) монеликсиз кириши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, жамоат бинолари ҳамда иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Жамоат бинолари ҳамда иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва

реконструкция қилиш чоғида ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун автотранспорт сақлаш жойларини мақбул миқдорда ҳамда ўлчамда барпо этиш бўйича чоралар назарда тутилиши керак.

Уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектларида лифтларни сотиб олиш ҳамда ўрнатиш чоғида, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тегишли ташкилотлар лифтларнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча тоифалари учун қулай бўлишини ва улардан фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт.

Ижтимоий-маиший ва маданий мақсадларга мўлжалланган қурилиш объектларини ҳамда реконструкция қилинаётган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари вакиллари давлат қабул комиссияси таркибига киритилган ҳолда амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш қурилиш лойиҳаларининг мажбурий қисмидир. Биноларни, иншоотларни ва уларнинг мажмуаларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга доир нормалар ва қоидалар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

24-модда. Транспорт воситаларининг ва йўл инфратузилмасининг қулайлиги

Транспорт воситаларининг ва йўл инфратузилмасининг қулайлиги аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи ташкилотлар (ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар) томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари иштирокида:

ногиронлиги бўлган шахсларга қулайлик яратиш учун жамоат транспортининг махсус воситалар билан жиҳозланишини, шу жумладан алоҳида жойлар жиҳозланишини, эшитиш қобилияти заиф бўлганлар учун ахборот таблолари ўрнатилишини ҳамда бекатларнинг овозли тарзда эълон қилинишини;

шаҳар ва қишлоқ жамоат транспорти воситаларининг йўналишлари ҳамда кўрсаткичлари кескин фарқланувчи рангдаги йирик ҳарфлар билан тасвирланишини;

йўловчи поездларининг вагонлари махсус ўринлар билан ва перронлар, шунингдек темир йўл вокзаллари махсус механик пандуслар билан жиҳозланишини;

тўхташ майдончаларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда жиҳозлаш, шу жумладан уларга пандуслар ва тутқичлар ўрнатиш, транспорт воситасининг кириш эшиклари олдидаги майдончаларда тактил қопламаларини қўллаш, шунингдек электрон ахборот таблоларини ўрнатиш;

пиёдалар ўтиш жойлари ва чорраҳаларини, кўчалар ҳамда умумий фойдаланишдаги йўللарни ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига мувофиқ мослаштириш;

чорраҳаларда товушли ва визуал сигнализация тизимларини ўрнатиш; аэропортларда ва аэровокзалларда, йирик темир йўл станцияларида, шунингдек метрода ногиронлиги бўлган шахсларни транспорт воситаларига кузатиб бориш;

ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус кутиш жойларини жихозлаш йўли билан таъминланади.

Маҳаллий транспорт воситаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

25-модда. Меҳмонхона хоналарининг қулайлиги

Меҳмонхоналарнинг мулкдорлари умумий хоналар фондининг камида битта хонасини ўриндиқли аравадан фойдаланадиган ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай тарзда жихозлаши, шунингдек эшитиш ва кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг тегишли эҳтиёжларига мувофиқ эълонлар учун дисплейлар ҳамда овозли қурилмалар ўрнатилишини таъминлаши шарт.

26-модда. Ахборотдан фойдаланиш

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот олиш ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни кенг омма учун мўлжалланган, қулай форматлардаги ва ногиронликнинг турли шакллари ҳисобга олинган технологиялардан фойдаланган ҳолда ахборот билан таъминлайди.

Давлат одамлар ўртасидаги мулоқот воситалари сифатида имо-ишора тилидан, мулоқотнинг бошқа муқобил шаклларида фойдаланилишига қўмаклашади.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларга телевизион дастурлар, фильмлар, театр тадбирлари ва бошқа маданий тадбирларнинг улар учун қулай форматларда бўлишини таъминлайди. Давлат телеканалларида янгиликлар кўрсатувларининг сурдотаржима ёки субтитрлар билан намоиш этилиши таъминланади.

Давлат коммуникациянинг муқобил шаклларида (Брайль ҳарфларидан ва овозли шакллардан) фойдаланган ҳолда бадиий адабиётлар, мактаб дарсликлари, бошқа дидактик материаллар ва ўқитиш воситалари нашр этилишини таъминлайди.

Давлат органлари ва ташкилотлар ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ахборот билан қулай тарзда танишиш ҳамда хизматлардан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган шахсларга қўшимча имкониятларни яратиши шарт.

Давлат органлари ва ташкилотлар ахборот-коммуникация ускуналари-нинг ҳамда ахборот таъминотининг давлат харидларига давлат буюртмасини амалга оширишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча тоифалари учун қулайлик мезонларига риоя этилишини ҳисобга олиши керак.

Давлат органлари ва ташкилотлар, зарур бўлган тақдирда, мазкур давлат

органининг ёки ташкилотнинг вакили ва эшитишида нуқсонлари мавжуд ногиронлиги бўлган шахс ўртасидаги мулоқотни таъминлаш учун имо-ишора тили таржимонини шартнома бўйича ёллайди.

27-модда. Маданий ҳаётда иштирок этишга, дам олишга ва спорт билан шуғулланишга бўлган ҳуқуқ

Давлат органлари ва ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг моддий маданий мерос объектларидан, туристик ҳамда спорт объектларидан ва иншоотларидан, шунингдек дам олиш объектларидан фойдаланишини таъминлайди.

Театрлар, музейлар, кинотеатрлар, ахборот-кутубхона муассасалари ва ахборот-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун қулай бўлиши керак.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг моддий маданий мерос объектларидан, туристик ва спорт объектлари ҳамда иншоотларидан, шунингдек ташкилотнинг дам олиш объектларидан фойдаланишини таъминлаш мақсадида, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари иштирокида:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва улар оилаларининг маданий, спорт ҳамда туристик тадбирларда иштирок этишига қўмаклашади;

нодавлат нотижорат ташкилотлари билан шерикликда маданий, спорт ва кўнгилочар тадбирлар ўтказилишини ташкил этади;

ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш, спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар яратади;

фаолияти ногиронлиги бўлган шахсларни спорт билан шуғулланишга ва жамиятнинг маданий ҳаётига жалб этишга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотларига қўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча даражалардаги спорт тадбирларида иштирок этишини тарғиб қилиш ва рағбатлантиришда иштирок этади.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт иншоотлари объектларидан, дам олиш объектларидан, шунингдек туристик объектлардан фойдаланишини, шу жумладан бепул асосда фойдаланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Давлат мулки бўлган спорт объектлари ва иншоотларининг спорт заллари ҳамда хоналарини ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун бепул асосда тақдим этилади, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Давлат спортнинг паралимпия турлари бўйича мураббийлар, ҳакамлар ҳамда бошқа мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашни таъминлайди.

Давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш ва уларни спорт билан шуғулланишга жалб этишга доир дастурларни нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳар йили ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши-ни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини яратади.

28-модда. Мурожаат қилиш ҳуқуқи

Ногиронлиги бўлган шахслар давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқаётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, ушбу мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатлар (аризалар, шикоятлар, таклифлар) билан кириши учун қуйидагилар воситасида зарур шарт-шароитлар яратиши шарт:

шахслараро мулоқот воситаси сифатида имо-ишора тилини эътироф этиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек уни ривожлантириш ҳамда жамият ва давлат ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида қўллаш чораларини кўриш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ҳолларда сурдотаржима хизматларини кўрсатиш;

ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ўз мурожаатини имзолаш учун факсимил имзодан фойдаланиш.

Эшитиши ва нутқи бўйича ногиронлиги бўлган шахсларга:

тергов ҳаракатларини амалга оширишда ёки жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича суд процессларида иштирок этиш чоғида;

ҳужжатларни ёки битимларни нотариал тартибда расмийлаштиришда; автомобилни бошқариш кўникмаларига ёки компьютер саводхонлигига ўқиш чоғида;

давлат хизматлари кўрсатиш чоғида сурдотаржимон хизматлари кўрсатилади.

Эшитиши ва нутқи бўйича ногиронлиги бўлган шахсларга сурдотаржимон хизматлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Давлат ҳар йили сурдотаржимонлар, сурдопедагоглар, дефектологлар ва логопедлар тайёрланишини таъминлайди.

29-модда. Ногиронлиги бўлган шахснинг факсимил имзоси

Ногиронлиги бўлган шахснинг факсимил имзоси — соғлиғининг ҳолатига кўра (кўришнинг бузилиши, қўл-оёқлар йўқлиги, ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг бузилиши, фалажлик) ўз қўли билан имзо қўйиш им-

кониятига эга бўлмаган ногиронлиги бўлган шахснинг ўз қўли билан қўйган имзоси ўрнини босадиган, махсус тайёрланган штамп (клише).

Ногиронлиги бўлган шахснинг факсимил имзоси ногиронлиги бўлган шахс томонидан фақат, агар у ўзининг жисмоний нуқсонлари сабабли зарур ҳужжатларни имзолаш чоғида ўз қўли билан имзо қўйиш имкониятига эга бўлмаса, қўлланилиши мумкин.

Факсимил имзо ногиронлиги бўлган шахс учун тайёрланади ва унинг томонидан бутун ҳаёти давомида фойдаланилади. Факсимил имзо йўқолган тақдирда унинг дубликати тайёрланади.

Хеч ким факсимил имзодан фойдаланиши муносабати билан ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда чекланиши мумкин эмас.

30-модда. Жамиятнинг онгида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва кадр-қимматига ҳурматни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш

Давлат органлари жамиятнинг онгида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва кадр-қимматига ҳурматни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаол ижтимоий роли ижобий қабул қилинишига оммавий ахборот воситалари ва матбуот воситасида қўмаклашишни;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг салоҳиятини ҳамда жамият ва давлат тараққиётига қўшаётган ҳиссасини тарғиб қилишни;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий интеграциясига имкон берувчи тимсолини ижобий ва бағрикенглик асосида гавдалантириш йўналишидаги оммавий ахборот воситаларини рағбатлантиришни;

ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан қотиб қолган қарашларга ва хурофотларни йўқ қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириш;

таълимнинг барча босқичларида, шу жумладан болаларда гўдаклик ёшидан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялашни;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қиммати ва қобилияти ҳамда уларнинг иш жойидаги ва меҳнат бозоридаги жамоа ютуқларига қўшаётган ҳиссаси эътироф этилишига қўмаклашишни;

ногиронлиги бўлган шахсларга ва уларнинг ҳуқуқларига бағишланган тарбиявий-таништирув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни таъминлайди.

Давлат ҳар йили қуйидаги давлат буюртмаларини жойлаштиради:

жамиятда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан қотиб қолган қарашларни ва хурофотларни бартараф этишга, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижобий тимсолини шакллантиришга қаратилган бадий, ҳужжатли фильмлар, спектакллар тайёрланишига доир;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг салоҳиятини ҳамда жамият ва давлат ҳаётига қўшадиган ҳиссасини тарғиб қилишга, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижобий тимсолини яратишга қаратилган ижтимоий

реклама ахборотини ҳамда мақолаларни тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида ёритишга доир.

Ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги ижобий тасаввурга қаратилган ижтимоий реклама телеканалларда, матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади.

Ҳуқуқ ва гуманитар йўналишдаги олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари бўйича курслар ўтказилади ва ўқув фанлари ўргатилади.

4-боб. Фуқарони ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация ва абилитация қилиш

31-модда. Тиббий-ижтимоий экспертиза

Фуқарони ногиронлиги бўлган шахс деб топиш — тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан, ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни ногиронлиги бўлган шахс деб топиш эса — педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Шахс тиббий-ижтимоий экспертизага давлат тиббиёт муассасаси томонидан юборилади, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тиббиёт ташкилотлари ногиронлиги белгилари аниқ кўриниб турган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувларни ўтказмасдан туриб, тиббий-ижтимоий экспертизага юборишга ҳақли.

Агар шахс соғлиғининг ҳолатига кўра тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига бориш имконига эга бўлмаса ва бу тиббиёт муассасасининг ҳулосаси билан тасдиқланса, тиббий-ижтимоий экспертиза уйда ёки шахс довланишда бўлган стационарда ўтказилиши мумкин.

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг мажлисларида маҳаллий меҳнат органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, касаба уюшмаларининг, суғурта ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этиши мумкин.

Текширувдан ўтказиш тиббий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн календарь кундан кечиктирмай тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ўтказилади. Тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтиш учун юборилган шахс тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан текширувдан ўтказиш куни тўғрисида тиббий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан икки иш куни ичида хабардор қилинади. Ногиронлик аниқланган тақдирда, тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб фуқаро ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этилади.

Тиббий-ижтимоий экспертиза натижалари бўйича ногиронлиги бўлган шахс деб топилган фуқарога — ногиронлик гуруҳи, унинг белгиланиш

сабаби ва муддатлари, ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга эса қайта текширувдан ўтиш муддати билан — «Ногиронлиги бўлган болалар» тоифаси белгиланади.

Қайта текширувдан ўтказиш муддати кўрсатилмайдиган ногиронлик инсон аъзолари функцияларининг ҳамда организми тизимларининг барқарор, аслига қайтариб бўлмас тарздаги морфологик ўзгаришлари ва бузилишлари мавжуд бўлган, амалга оширилган реабилитация тадбирларининг самарасизлиги оқибатида касалликнинг кечиши ва соғлиқнинг тикланишини, ижтимоий мослашувни яхшилаш мумкин бўлмаган тақдирда, белгиланган тартибда тасдиқланган касалликлар ва анатомик нуқсонлар рўйхатига мувофиқ белгиланади.

Кўрсатилган муддатлардан олдин қайта текширувдан ўтказиш соғлиқнинг ҳолати ва ҳаёт фаолиятининг чекланганлик даражаси ўзгарганда ёки тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари асосланмаган қарор қабул қилганлиги фактлари аниқланганда ёхуд юқори турувчи тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан назорат вазифаси бажарилганда амалга оширилади.

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари зарур ускуналар билан жиҳозланган давлат тиббиёт муассасаларига бепул текширувлар ўтказиш учун бириктириб қўйилади.

Давлат бошқаруви органлари ва бошқа давлат ташкилотлари ногиронликнинг юзага келишига таъсир этувчи омиллар ҳамда шарт-шароитларни ўрганиш мақсадида ногиронликка олиб келувчи касалликлар юзага келишининг ишлаб чиқариш, ижтимоий, экологик ва бошқа сабабларини таҳлил қилишни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари ногиронлиги бўлган шахсларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, ногиронликни ҳисобга олиш ва ногиронлик тузилмасини таҳлил қилиш мақсадида ногиронлиги бўлган шахсларнинг (болаларнинг) шахсий йиғмажилдларини юритади.

Ногиронликни белгилаш мезонлари ва механизмлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

32-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация ва абилитация қилиш

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг мақсади уларга тўлақонли ҳаёт тарзини юритиш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва потенциал имкониятларини амалга ошириш имконини берадиган ижтимоий мақомини, ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ва касбий фаолиятнинг ҳар хил турларига оид қобилиятини тиклашдан иборатдир.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат муассасаларида тиббий, ижтимоий, касбий ҳамда жисмоний реабилитация ва абилитация қилишини кафолатлайди.

Тиббий реабилитация қилиш ногиронлиги бўлган шахслар аъзоларининг ҳамда организми тизимларининг бузилган ва (ёки) йўқолган функцияларини сақлаб қолишга, қисман ёки тўлиқ тиклашга қаратилган тиббий хизматлар мажмуидир.

Ижтимоий реабилитация қилиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт фаолияти чекланганлигини енгиб ўтиши учун шарт-шароитлар яратишга, ижтимоий мақомини, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш, мустақил яшаш имкониятларини тиклашга, шунингдек уларни жамиятда оилавий ҳаётнинг одатий шароитларига қайтаришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Касбий реабилитация қилиш ногиронлиги бўлган шахсларни касбга йўналтиришга, касбга ўқитишга ва ишга жойлаштиришга, шунингдек уларнинг бой берилган касбий билимлари, маҳорати ва кўникмаларини тиклашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Ногиронлиги бўлган шахслар организмнинг бузилган ёки вақтинча йўқолган функцияларини ҳамда уларнинг ижтимоий ва касбий фаолиятга бўлган қобилиятини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ҳамда усулларидан фойдаланган ҳолда тиклаш (тузатиш ва компенсация қилиш) жисмоний реабилитация қилишдир.

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация ва абилитация қилиш ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ ташкил этилади.

Абилитация қилиш жамият ҳаётига мослаштириш учун организмнинг йўқ бўлган (туғма) ва (ёки) ривожланмаган функцияларини шакллантиришга қаратилган тиббий, ижтимоий, педагогик, психологик жиҳатдан тузатиш ва бошқа тузатиш чора-тадбирлари мажмуидир.

Абилитация қилиш бўйича хизматлар хавф гуруҳидаги болаларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий, психологик ва педагогик жиҳатдан тузатиш хизматларини, шунингдек бошқа тузатиш хизматларини ўз ичига олади.

Хавф гуруҳидаги болалар жумласига эрта аралашув ҳамда зарур тиббий, ижтимоий, психологик, педагогик жиҳатдан тузатишга ёки бошқа тузатишга оид кўмак кўрсатилмаганда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида юқори даражадаги ортда қолиш эҳтимоли мавжуд уч ёшгача бўлган болалар киради.

Абилитация қилиш бўйича хизматлар, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тиббий-ижтимоий ташкилотлар, шунингдек тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишга доир ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан кўрсатилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни (болаларни) абилитация қилиш уларнинг эҳтиёжларига имкон қадар мослаштирилган ҳажмда, малакали ходимлар томонидан амалга оширилади.

33-модда. Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури

Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тиббий-ижтимоий экспертиза асосида ишлаб чиқилган, ногиронлиги бўлган шахс учун мақбул реабилитация чоралари мажмуи бўлиб, ушбу чоралар организмнинг бузилган ёки йўқолган функцияларини, шунингдек ногиронлиги бўлган шахс меҳнат фаолиятининг айрим турларини бажариш қобилиятини тиклашга, компенсация қилишга қаратилган тиббий, ижти-

мой, касбий ва жисмоний реабилитация чораларини амалга оширишнинг айрим турлари, шакллари, ҳажмлари, муддатлари ҳамда тартибини ўз ичига олади.

Ногиронлиги бўлган шахс учун тиббий-ижтимоий экспертиза ўтказилганидан кейин ўн кун ичида ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ишлаб чиқилади.

Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши шарт.

Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тиббий, ижтимоий, таълимга оид ва касбий соҳалардаги мутахассислар томонидан ўтказиладиган кўп соҳалар бўйича баҳолаш асосида ишлаб чиқилади.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, давлат органлари ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурларида назарда тутиладиган чора-тадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини тузишда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси шифокорлари ногиронлиги бўлган шахсни ушбу Қонунда берилаётган ҳуқуқлари тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини бажариш бўйича тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида кўрсатилган тадбирларни ўтказиш чоғида ногиронлиги бўлган шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

реабилитацияни ўтказишда иштирок этувчи шахслар томонидан ўзига нисбатан тенг, ҳурмат билан муносабатда бўлиниши;

ўз ҳуқуқлари ва имкониятлари, шунингдек реабилитациядан ўтиш хусусияти, сифати, шарт-шароитлари ҳақида тўлиқ ҳамда ишончли ахборот олиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари вакиллари реабилитация ўтказишнинг ҳар қандай босқичида жалб этиш.

Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ногиронлиги бўлган шахс учун тавсия хусусиятига эга. Ушбу шахс реабилитация чора-тадбирларининг у ёки бу туридан, шакли ва ҳажмидан, шунингдек дастурни амалга оширишдан бутунлай воз кечишга ҳақли. Ногиронлиги бўлган шахс ўзининг реабилитация қилишнинг муайян техник воситаси ёки бошқа воситаси ёхуд тури, шу жумладан автомобиллар, ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия мосламалари, махсус ҳарфли мат-

баа нашрлари, овоз кучайтирувчи аппаратлар, сигнализаторлар, субтитрли ёки сурдотаржимали видеоматериаллар ва бошқа шу каби воситалар билан таъминланиши тўғрисидаги масалани мустақил равишда ҳал қилишга ҳақлидир.

Реабилитация қилишнинг техник воситалари ва хизматлари ногиронлиги бўлган шахсларга, қоида тариқасида, натура шаклида тақдим этилади.

Агар ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида назарда тутилган реабилитация қилишнинг техник воситасини ёхуд хизматни унга тақдим этишнинг имкони бўлмаса ёки ногиронлиги бўлган шахс ўз ҳисобидан тегишли воситани олган ёхуд хизмат учун ҳақ тўлаган бўлса, унга ногиронлиги бўлган шахсга тақдим этилиши керак бўлган реабилитация қилишнинг техник воситасининг ёки хизматнинг қиймати миқдорида компенсация тўланади.

Ногиронлиги бўлган шахс ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастуридан бутунлай воз кечган ёки дастурнинг айрим қисмлари амалга оширилишидан воз кечган тақдирда давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа ташкилотлар, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, дастурнинг бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

34-модда. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари

Давлат замонавий протез-ортопедия мосламаларини ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида реабилитация қилиш индустриясини ривожлантиришга қўмаклашади.

Протез-ортопедия мосламаларининг ва реабилитация қилиш техник воситаларининг давлат реестри (рўйхати), бундай воситалар билан таъминлаш тартиби, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун тиббий кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар рўйхати белгиланган тартибда аниқланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш бўйича харажатларга доир мажбуриятларни молиялаштириш, шу жумладан уларни тайёрлаш ва таъмирлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг протез-ортопедия мосламалари ва уларни реабилитация қилишнинг техник воситалари учун ушбу моддада назарда тутилган харажатларни молиялаштиришга доир қўшимча маблағлар қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан ҳам олиниши мумкин.

Ҳисобот даври якунлари бўйича қайси тадбиркорлик субъектининг

тушуми умумий ҳажмининг камида ўттиз фоизи ногиронлиги бўлган шахслар учун протез-ортопедия мосламаларини ва анжомларини ишлаб чиқаришдан, шунингдек уларга ортопедик протезлаш хизматлари кўрсатишдан, протез-ортопедия мосламаларини ва анжомларини таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатишдан келиб тушган бўлса, ўша тадбиркорлик субъекти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзи киритган таклифлар танлов савдолари бошқа иштирокчиларининг таклифлари билан тенг бўлган тақдирда харидор томонидан инвестиция мажбуриятларини ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шarti билан давлат мулки объектларини «ноль» харид қиймати бўйича реализация қилиш юзасидан ўтказилган танлов савдолари натижаларига кўра контракт тузишга доир устунлик;

давлат мулки объекти учун мазкур объектнинг ижара ҳақи ставкаси энг кам миқдорининг эллик фоизи миқдорида ижара ҳақи тўлаш.

5-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлигини сақлаш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш

35-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлигини сақлаш

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиқни сақлаш хизматларидан, сифатли ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олувчи тиббий ёрдамдан бошқа фуқаролар билан тенг равишда фойдаланиш ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларга, фуқароларга бепул тиббий ёрдам кўрсатишнинг давлат кафолатлари дастури доирасида амалга ошириладиган малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши бўйича чоралар кўради. Ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий парвариш қилиш барча даражалардаги мавжуд тиббий хизматлар доирасида, шунингдек ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган хизматлар томонидан амалга оширилади.

Зўрайиб боровчи шаклдаги ёки якуний босқичдаги бедаво касалликларга чалинган шахслар беморларнинг жисмоний, руҳий, ҳиссий ва маънавий эҳтиёжларини қаноатлантиришни назарда тутувчи паллиатив тиббий парваришлаш хизматлари кўрсатилиши ҳуқуқига эга бўлади.

36-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш

Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдамнинг қуйидаги турлари кўрсатилади:

пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар); реабилитация қилишнинг техник воситалари, сурдотехника, тифлотехника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия мосламалари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтирувчи аппаратлар ва сигнализаторлар, субтитрли ёки сурдотаржимали видеоматериаллар, шунингдек автомобиллар билан таъминлаш;

тиббий, ижтимоий, касбий, жисмоний реабилитация қилиш бўйича хизматлар ва маиший хизматлар;

транспорт хизматлари;

дори воситалари билан таъминлаш.

Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими органлари, бошқа давлат органлари томонидан тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг хулосалари асосида кўрсатилади.

Ногиронлиги бўлган, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотган ва ўзгаларнинг доимий парваришига муҳтож бўлган шахсларга уларнинг уйида ҳамда ваколатли давлат органларининг ихтисослаштирилган стационар муассасаларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилади. Бу муассасаларда ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан бир қаторда ҳаёт фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар таъминланади, тиббий хизматлар кўрсатилади, шунингдек меҳнат фаолияти ва дам олиш ташкил этилади.

Иш берувчининг айби билан меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган ногиронлиги бўлган шахслар тиббий кўрсатмаларга биноан иш берувчининг (ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар) маблағлари ҳисобидан реабилитация қилишнинг техник ва махсус транспорт воситалари билан таъминланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронлиги бўлган шахсларга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўшимча ижтимоий кафолатлар белгилаш ҳуқуқига эга.

Ногиронлиги бўлган шахслар санаторий-курортда бепул соғломлаштириш, шунингдек дори воситалари, ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилиш учун мўлжалланган тиббий буюмлар ва ногиронлиги бўлган болалар учун махсус шифобахш озик-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг санаторий-курортда соғломлаштирилишини таъминлаш тартиби ҳамда дори воситаларининг, ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилиш учун мўлжалланган тиббий буюмларнинг ва ногиронлиги бўлган болалар учун махсус шифобахш озик-овқат маҳсулотларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

37-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш

Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш соғлиқни сақлаш органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари, хайрия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари иштирокида амалга оширилади ҳамда қуйидаги турларни ўз ичига олади:

ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш масалалари юзасидан маслаҳат бериш;

тегишли органлар ва ташкилотларга юбориш;

соғлигининг ҳолатига кўра ўзига нисбатан ҳомийлик белгиланишига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларга кўмаклашиш ва ҳомийларнинг ўз мажбуриятларини бажариши устидан назоратни амалга ошириш;

протез-ортопедия мосламаларини ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олишда кўмаклашиш;

ўзгаларнинг парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларни дори воситалари билан бепул ёки имтиёзли таъминлаш;

ўзгаларнинг парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларнинг асосий озиқ-овқат махсулотлари ҳамда гигиена воситалари билан бепул таъминланишига, шу жумладан овқат тайёрлашига ва уй-жойни йиғиштиришига, гигиенани амалга оширишига кўмаклашиш.

Агар ходим иш берувчининг айби билан ногирон ва ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлиб қолган бўлса, ногиронлиги бўлган шахс меҳнат қobiliятини йўқотган вақтда уни парвариш қилувчи шахсни иш берувчи тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг ёки педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг хулосасига биноан ўз ҳисобидан таъминлаши ҳамда жабрланган ходимга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаши ва маънавий зиённи компенсация қилиши шарт.

**6-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши,
ушбу шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш**

**38-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш
ҳуқуқи**

Ногиронлиги бўлган шахслар барча даражалардаги таълим ташкилотларида таълим олиш ва ўз қobiliятини янада тўлиқроқ ривожлантириш учун бутун умри давомида таълим олиш ҳамда жамият ва давлат ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзив таълимини ривожлантиришни, уларнинг таълим олиши ва касбий тайёргарликдан, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини кафолатлайди.

Таълим ташкилотлари давлат органлари билан биргаликда ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача, мактабдан ташқари ва умумий ўрта таълим олишини, шунингдек ўрта махсус, профессионал, олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълими олишини таъминлайди.

Агар ногиронлиги бўлган болаларни таълим муассасаларида ўқитишнинг вақтинча имкони бўлмаса, таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва таълим муассасалари ногиронлиги бўлган болаларнинг соҳага оид шифокорлар тавсиялари асосида ҳамда ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан уйда ўқитилишини таъминлайди.

Ногиронлиги бўлган болаларни уйда ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларнинг бепул умумий ўрта, мактабдан ташқари, ўрта махсус ва профессионал таълим олишини кафолатлайди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни тўловдан озод қилган ҳолда ёки имтиёз-ли шартлар асосида махсус ўқув қўлланмалари ва адабиётлар, шунингдек сурдотаржимонлар хизматларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Нодавлат таълим ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахсларни (болаларни) ўқитганлик учун тўлов бўйича имтиёзлар белгилашга ҳақли.

Ногиронлиги бўлган шахсларга таълим бериш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш турли шаклларда, шу жумладан ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда, экстернат шаклида, шунингдек масофавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда, умумий типдаги таълим муассасаларида ва ташкилотларида, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, уйда, махсус гуруҳларда, синфларда ва яқка тартибдаги ўқув режалари бўйича ўқитиш йўли билан амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган болаларни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш, уларда ижтимоий фаолликни шакллантириш, меҳнатга иштиёқ уйғотиш, уларни илм-фанга, техникага, санъатга ва спортга жалб этиш мақсадида таълим муассасалари ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабдан ташқари таълимдан фойдаланишини, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратган ҳолда, давлат органлари билан биргаликда таъминлаши шарт.

Имо-ишора тили Ўзбекистон Республикаси томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахслараро муомала воситаси сифатида эътироф этилади.

Давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳар бири учун мосроқ бўлган тилларни, мулоқот қилиш усуллари ва воситаларини ривожлантириш, Брайль алифбосини, муқобил ҳарфларни, нутқ ва оғзаки муомала кўникмаларини ўзлаштириш, шунингдек ўқитувчиларни ва мактаб ходимларини инклюзив таълим масалаларида ўқитиш, имо-ишора тилини ва Брайль алифбосини биладиган ногиронлиги бўлган ўқитувчиларни таълим муассасаларига ишга жойлаштириш ёрдамида ногиронлиги бўлган шахслар учун таълим тизимини такомиллаштириш чораларини кўради.

39-модда. Ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача таълими

Ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача таълими мактабгача таълим ташкилотларида амалга оширилади.

Мактабгача ёшдаги ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан зарур реабилитация ва абилитация қилиш чоралари амалга оширилади ҳамда уларнинг мактабгача таълим ташкилотларида бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Соғлигининг ҳолати мактабгача таълим муассасаларида бўлишни вақтинча истисно этадиган ногиронлиги бўлган болалар учун кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилади.

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида илгор услубиётларни ўз ичига оладиган мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурини амалга ошириш таъминланади.

40-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал, мактабдан ташқари, олий ва олий таълимдан кейинги таълими

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус таълими, профессионал таълими таълим муассасаларида ва ташкилотларида, зарурият бўлганда эса ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мактабдан ташқари таълими болалар, ўсмирлар ижодиёт саройлари, уйлари, клублари ва марказларида, «Баркамол авлод» болалар мактабида, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, болалар мусика ва санъат мактабларида, студияларда, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасаларида амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий таълими олий таълим муассасаларида ва ташкилотларида амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий таълимдан кейинги таълими олий таълим ва илмий ташкилотларда олиниши мумкин.

Стационар даволаш-профилактика ёки реабилитация муассасаларида даволаш курсини ўтаётган ногиронлиги бўлган болалар учун мазкур муассасаларда ўқув машғулотлари ташкил этилади.

Профессионал таълим олиш учун махсус шарт-шароитларга мухтож ногиронлиги бўлган шахслар учун турли типдаги ва хилдаги ихтисослаштирилган профессионал таълим муассасалари ташкил этилади. Уларда ўқитиш махсус ўқув дастурлари асосида давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида абитуриентларни қабул қилиш умумий сонининг икки фоизи миқдорида қўшимча қабул квотаси ажратилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча квота асосида олий таълим муассасаларига қабул қилиш кириш имтиҳонлари натижалари бўйича амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун ажратилган қўшимча квоталар бўйича ўқишга қабул қилинмаган абитуриентлар тўплаган баллари билан таълимнинг ушбу йўналиши бўйича танловда умумий асосларда иштирок этади.

41-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Ногиронлиги бўлган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларида ва ташкилотларида, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари корхоналарида но-

гиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ таъминланади.

Давлат касбга тайёрлаш (шу жумладан касбга ташхис қўйиш ва йўналтириш, шакллантириш ва реабилитация қилиш), тарбиялаш, ўқитиш ва такомиллаштириш даврида дидактик ҳамда йўриқномавий материал, шу жумладан кўзи ожизлар учун материаллар (Брайль алифбоси), кўриш қобилияти заиф бўлганлар учун овозли вариантдаги ҳарфлар, овозли адабиёт, шу жумладан гуруҳларда ўқитиш учун ёрдамчи овоз тизимлари, эшитиш қобилияти заиф бўлганлар учун мимика ва имо-ишора тилига таржима билан таъминланишини кафолатлайди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан енгил автомобилларни бошқариш учун яроқли деб эътироф этилган ногиронлиги бўлган шахсларни ҳайдовчиликка тайёрлаш махсус ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

Кар ва кар-соқов шахсларни ҳайдовчиликка тайёрлаш умумий ўқув дастури асосида сурдотаржима билан амалга оширилади.

7-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат қилиши ва бандлиги

42-модда. Меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилишини таъминлаш

Ногиронлиги бўлган шахс одатдаги меҳнат шароитларига эга ташкилотларда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи ихтисослаштирилган корхоналарда, цехларда ва участкаларда ишлашга, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

Меҳнат муносабатларининг барча шаклларига нисбатан, шу жумладан ишга қабул қилиш шартларига, ишга ёллашга, меҳнат фаолиятини амалга оширишга, ишни сақлаб қолишга, хизматда (ишда) лавозим бўйича кўтарилишга, шунингдек хавфсиз меҳнат шароитлари таъминланишига нисбатан ногиронлик белгисига кўра камситиш тақиқланади.

Ногиронлиги бўлган шахснинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги ва таътиллarda бўлиши даврида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди, бундан ташкилот тўлиқ тугатилган ҳоллар мустасно.

Ногиронлиги бўлган шахсларни тунги вақтда ишга, шунингдек ишдан ташқари вақтдаги ишларга ва дам олиш кунлари ишга жалб этишга йўл қўйилмайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ишловчи шахсларга нисбатан меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори камайтирилмаган ҳолда қисқартирилган иш вақти давомийлиги белгиланади ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилади.

43-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида:

ногиронлиги бўлган шахсларни касбий реабилитация қилишни амалга оширади, уларни меҳнатда кузатиб боради, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг мос келадиган ишга киришини, сақлаб қолинишини ва хизматда (ишда) лавозим бўйича кўтарилишини таъминлайди;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилайди;

ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун мос келадиган касблар бўйича иш ўринларини захира қилинишини таъминлайди;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ташкилотларни ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштиришга рағбатлантиради, шунингдек ихтисослаштирилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди;

ихтисослаштирилган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларни янги касбларга ўқитиш ўқув дастурлари ташкил этилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат секторига ишга жойлаштирилишини ва бандлиги рағбатлантирилиши ҳамда ривожлантирилишини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан, шу жумладан уларнинг касаначилигидан фойдаланувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлайди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш маҳаллий меҳнат органлари томонидан таъминланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ходимларининг сони йигирма нафардан ортиқ бўлган ташкилотларда ходимлар умумий сонининг камида уч фоизи миқдорида ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сони белгиланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳамда маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган корхоналар ва иш ўринлари ташкил этилади. Кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахслар шарт-шароитлари ўз имкониятларига мувофиқ бўлган ишлаб чиқаришда иштирок этиш учун устувор ҳуқуққа эга бўлади.

8-боб. Якунловчи қоидалар**44-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

45-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

46-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 422–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 78-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги 423–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 79-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 621–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда) **2-банди**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 220–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 89-модда) **I бўлими**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 671–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 171-модда) **I бўлими**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги 714–II-сонли

Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) **I бўлимининг 7-банди**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 23 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-2-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) **1-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июлда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига **ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ-162-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 353-модда);

9) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-254-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 334-модда) **1-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **1-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-355-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) **1-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-416-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 383-модда) **2-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июнда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-436-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда) **2-моддаси**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январда қабул қилинган **«Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбир-**

лар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–456-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 1-модда) **1-моддаси.**

47-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

48-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

49-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 октябрь,
ЎРҚ–641-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

451 Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепциясини 2020-2021 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага** мувофиқ;

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълимини 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда 2022 йилдан бошлаб ҳар йили тасдиқланадиган алоҳида «Йўл харитаси» асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

2. Халқ таълими вазирлиги 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 1 декабрга қадар ўтаётган йилнинг «Йўл харитаси» бажарилиши якунларини батафсил ўрганиш асосида кейинги йил учун «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирлар Маҳкамаси «Йўл хариталари» ҳамда мақсадли кўрсаткичларнинг (индикаторларнинг) бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борсин ҳамда йилига бир марта унинг натижаларини Ҳукумат раёсати мажлисларида танқидий кўриб борсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 14 октябрда эълон қилинган.

** 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Белгилаб қўйилсинки, Концепция икки босқичда амалга оширилади, жумладан:

а) 2020 — 2022 йиллар давомида:

инклюзив таълим тизими соҳасидаги норматив база такомиллаштирилади;

инклюзив таълим тизими учун малакали педагог кадрлар тайёрланади, қайта тайёрланади ва малакаси оширилади;

инклюзив таълим жорий этилган муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади, улар махсус мосламалар (кўтариш қурилмаси, пандус, тутқич ва бошқалар), зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, турли касбларга ўқитиш учун ускуна ва жиҳозлар билан таъминланади;

инклюзив таълим соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳалар жорий этилади;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг билим олиш ҳуқуқи, инклюзив ўқитишнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш орқали аҳоли ўртасида ижобий ижтимоий муҳит шакллантирилади;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни камситиш, уларга салбий муомалада бўлишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади;

инклюзив таълим тизими тажриба-синов тариқасида алоҳида таълим муассасаларининг фаолиятига жорий қилинади;

б) 2023 — 2025 йиллар давомида:

инклюзив таълим тизими босқичма-босқич бошқа умумий ўрта таълим муассасаларида жорий қилинади;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ҳар бир боланинг инклюзив таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади;

инклюзив таълимда ўқитиш усуллари такомиллаштирилади ҳамда таълим жараёнига индивидуаллаштириш тамойиллари босқичма-босқич жорий этилади;

инклюзив таълим жараёнида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга, уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват шаклланишига қаратилган чоралар кўрилади;

ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий эҳтиёжидан ҳамда таълим муассасаларининг географик жойлашувидан келиб чиқиб алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаб ва мактаб-интернатлар) (кейинги ўринларда — ихтисослаштирилган таълим муассасалари) сони оптималлаштирилади.

4. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

а) 2021/2022 ўқув йилида тажриба-синов тариқасида:

шаҳарларда ҳамда Тошкент шаҳрининг туманларида жойлашган биттадан умумтаълим мактабларида инклюзив таълим тизimini жорий қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган биттадан умумтаълим мактабида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун бошланғич таянч коррекцион синфларни очиш;

Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида жойлашган биттадан касб-хунар мактабида ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳамда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган гуруҳларни ташкил этиш;

б) инклюзив таълим тизимини жорий қилиш, бошланғич таянч коррекцион синфларни очиш ва ихтисослаштирилган гуруҳларни ташкил этиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда ижобий тажрибани республиканинг бошқа ҳудудларига босқичма-босқич татбиқ этиш;

в) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

ихтисослаштирилган таълим муассасаларида мажбурий умумий ўрта таълимни 11 йиллик (интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатларда 9 йиллик) муддатда амалга ошириш;

ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг 10-11-синф (интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатларда 8-9-синф) ўқувчиларини касб-хунарга ўргатиш, уларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда келажакда эгаллайдиган касблари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг қисқартирилаётган ўқув соатлари доирасида касбга ўқитиш курсларини ташкил этиш;

г) ихтисослаштирилган таълим муассасалари битирувчиларига касбга ўқитиш курсларида ўргатилган касблар бўйича сертификат бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги касбга ўқитиш курсларини ташкил этишда методик ёрдам кўрсатиш, ўқув жараёнини самарали олиб бориш ва малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш учун тегишли ҳудуддаги профессионал таълим муассасалари ҳамда «Ишга марҳамат» мономарказларини ихтисослаштирилган таълим муассасаларига бириктирсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

бошланғич таянч коррекцион синфларда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим бериш мослаштирилган (адаптив) ўқув дастурлари асосида амалга оширилади;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун инклюзив таълим тизими жорий қилинган ва таянч коррекцион синфлар очилган умумтаълим мактабларида ихтисослаштирилган таълим муассасалари штатларини босқичма-босқич мақбуллаштириш ҳисобидан махсус педагог штат бирликлари ажратилади;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг салоҳиятини ривожлантириш мақсадида инклюзив таълим тизими жорий қилинган умумтаълим мактаблари томонидан мазкур ўқувчилар учун улар ва уларнинг ота-оналари (қонуний вакиллари) иштирокида индивидуал ўқув дастурлари ишлаб чиқиши мумкин;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга индивидуал таълим дастурларини ўзлаштиришда махсус педагоглар ва тьюторлар (ёрдамчи педагог ходимлар) яқиндан қўмаклашади;

инклюзив таълим тизими жорий қилинган умумтаълим муассасаларига тьютор (ёрдамчи педагог ходим) сифатида тегишли малакага эга волонтерлар ва олий таълим муассасаларининг педагогика йўналишидаги юқори курс талабалари педагогик амалиёт даврида ихтиёрийлик асосида жалб қилинади;

инклюзив таълим тизими жорий қилинган ва таянч коррекцион синфлар очилган умумтаълим мактаблари Кузатув кенгаши таркибига алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг ота-оналаридан (уларнинг қонуний вакиллари) бири киритилади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда профессионал таълим муассасалари учун умумий давлат гранти асосида қабул кўрсаткичларининг икки фоизгача бўлган қисми ушбу шахсларга ажратилади;

ўқувчиларга уй шароитида якка тартибда таълим бераётган ўқитувчилар иш ҳақларини ҳисоблаш Халқ таълими вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тартиб бўйича амалга оширилади;

б) 2021 йил 1 январдан бошлаб:

ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг раҳбар ходимларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақи базавий тариф ставкасининг 100 фоизи миқдорида тўланади;

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Меҳрибонлик» уйлари республика соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари базавий тариф ставкаси миқдори «Меҳрибонлик» уйларида тегишли раҳбар ходими базавий тариф ставкасининг 90 фоизига, «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчалари психологлари базавий тариф ставкаси миқдори умумтаълим мактаблари психологлари базавий тариф ставкасига, «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчалари тўғарак ва мусиқа раҳбарлари, меҳнат ва тренер йўриқчиси базавий тариф ставкалари «Баркамол авлод» болалар мактабларининг тўғарак раҳбарлари базавий тариф ставкаларига тенглаштирилади.

6. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази қошида унинг белгиланган штат бирликлари доирасида «Инклюзив таълим лабораторияси» ташкил этилсин.

Инклюзив таълим лабораториясининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

умумтаълим мактабларида инклюзив таълим учун шарт-шароитлар яратиш, инклюзив таълим беришнинг сифати ва самарадорлигини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

инклюзив таълимнинг методик таъминотини (дастурлар, раҳбар, педагог ва мутахассисларга методик тавсиялар ва бошқаларни) ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириб бориш;

инклюзив таълимнинг барча субъектлари учун психологик-педагогик ва ижтимоий ривожлантиришга йўналтирилган технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш;

инклюзив шароитларда таълим олувчилар учун психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил қилиш;

инклюзив таълим бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш;

инклюзив таълим тизими жорий қилинган умумтаълим муассасалари, уларда таълим олаётган ўқувчилар тўғрисида маълумотлар базасини яратиш ва уни доимий янгилаб бориш;

инклюзив таълимни ривожлантириш масалалари бўйича илмий конференциялар ва семинарларни ташкил этиш ва ўтказиш.

7. Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширилишини таъминласин:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи ва эркинлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, болаларнинг маданият, санъат, спорт ва бошқа йўналишларда эришган ютуқлари тўғрисида тарғибот тадбирларини ўтказиш;

инклюзив таълим-тарбияни матбуот ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб этиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш масалалари бўйича ота-оналар учун онлайн ўқув курсларини ташкил этиш ва видео маърузаларни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар:

педагогик таълим соҳасидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг тегишли ўқув дастурларига инклюзив таълим методикаси бўйича мавзулар киритилишини таъминласин;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар (шахслар) тўсиксиз ҳаракатланиши учун умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларининг ўқув бинолари ҳамда талабалар турар жойларида зарур шароитлар (биноларнинг кириш қисмига пандуслар, тутқичлар ва бошқалар) яратсин;

ўқув жараёнини ташкил этишда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришда алоҳида масофавий ўқитиш элементларидан (онлайн ўқув дарслари, электрон таълим ресурслари) кенг фойдаланилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4185-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошидан «рахбар ҳодимлари ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

Белгилансинки, мазкур ўзгартириш 2021 йил 1 январдан кучга киради.

10. Халқ таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 13 октябрь,
ПҚ-4860-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги
ПҚ-4860-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимида
инклюзив таълимни ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. 2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ўқитиш учун инклюзив таълим тизимини ташкил этиш, уларнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш ва таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Концепция Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълимни ривожлантиришнинг мақсадлари, вазифалари, устувор йўналишлари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда инклюзив таълимни ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

**2-боб. Ўзбекистонда инклюзив таълимнинг жорий
ҳолати ва мавжуд муаммолари**

3. Бугунги кунда республика бўйича жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун жами 86 та ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда (кейинги ўринларда — ихтисослаштирилган таълим муассасалари) 21,2 минг нафар, 21 та санаторий туридаги мактаб-интернатларда 6,1 минг нафар ўқувчилар таълим-тарбия олади. Шунингдек, узоқ муддат даволанишга муҳтож бўлган 13,3 минг нафар ўқувчилар уйда яқка тартибда ўқитилади.

2014 — 2016 йилларда Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун инклюзив таълим» лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа доирасида:

республиканинг 5 та ҳудудида тажриба-синов майдончалари ташкил этилди;

150 нафардан ортиқ тиббий-психологик-педагогик комиссия ва 1,3 минг нафардан ортиқ педагог ходимлар инклюзив таълим хизматларига ўқитилди;

педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таълим муассасаларининг ўқув режаларига таълим тизимига инклюзив амалиётни татбиқ этишга доир 3 та ўқитиш модули киритилди;

2 минг нафардан ортиқ алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар ва уларнинг ота-оналарига инклюзив таълим хизматлари ташкил этилди;

Тошкент, Самарқанд, Наманган, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида 5 та тажриба-ресурс маркази ҳамда 15 та тажриба мактаблари ташкил этилиб, уларга 800 нафардан ортиқ болалар қамраб олинди.

Инклюзив таълим тизимини жорий қилиш бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларда жамиятимизнинг бир бўлаги бўлган махсус ёрдамга муҳтож болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, уларнинг соғлом болалар қаторидан ўрин олиб ўз қобилияти, имкониятларини кўрсата олишига, маънавий камол топишига қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3931-сон қарорида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг ижтимоий кафолатларини таъминловчи чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, уларнинг таълим-тарбия (шу жумладан, инклюзив таълим-тарбия) олишига хизмат қиладиган мослашув муҳитини яратиш бўйича алоҳида вазифалар қайд этиб ўтилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ–5712-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш бўйича:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълим оладиган таълим муассасалари биноларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар ўқитиладиган таълим муассасаларини зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, турли касбларга ўқитиш учун ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ўқитиш учун инклюзив таълим тизимини ташкил этиш, умумтаълим муассасаларини махсус мосламалар (кўтариш қурилмаси, пандус, тутқич ва бошқалар), шунингдек, тегишли кадрлар (махсус педагог, болаларни руҳий-педагогик кузатиш бўйича мутахассислар) билан таъминлаш;

жамоатчилик ўртасида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг билим олиш ҳукуқи, инклюзив ўқитишнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий талаб-эҳтиёжидан ва таълим муассасаларининг географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар ўқитиладиган таълим муассасаларини оптималлаштириш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг мослашиши ва интеграцияси учун мактаб-интернатларни босқичма-босқич махсус жиҳозлар билан таъминлаш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ҳар бир боланинг инклюзив таълим олиш ҳукуқини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифалар белгиланган.

Бундан ташқари, «Замонавий мактаб»ларни қуришда ушбу мактабларда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ўқитиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, улар учун махсус инфратузилма бўлиши ва жиҳозланишини таъминлаш мақсадида инклюзив таълимни ташкил этиш бўйича «Замонавий мактаб»га қўйиладиган меъёрий талаблар лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Келгусида «Замонавий мактаб»ларни ушбу талаблар асосида қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни соғлом болалар қаторида умумтаълим мактабларида ўқитиш амалиётини ривожлантириш мақсадида ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг умумтаълим мактабларига интеграциялашуви (уйғунлаштирган ҳолда таълим-тарбия бериш) тажрибаси қўлланилиши натижасида сўнгги йилларда 500 нафарга яқин алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар умумий ўрта таълим мактабларига қайтарилди.

Ҳозирги кунда 3,2 мингдан ортиқ умумий ўрта таълим мактабларида 13 минг нафарга яқин ўқувчилар инклюзив таълим билан қамраб олинган.

4. Шу билан бирга, Халқ таълими тизимида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ўқитиш учун инклюзив таълим тизимини ташкил этиш, уларнинг таълим олишга бўлган тенг ҳуқуқларини таъминлаш борасида айрим бўшлиқ ва камчиликлар мавжуд, шу жумладан:

а) инклюзив таълимни ташкил этиш соҳасида:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар ўқитиладиган айрим таълим муассасаларида улар учун тўсиқсиз муҳит ва имкониятлар яратилмаган;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар ўқитиладиган таълим муассасалари зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, турли касбларга ўқитишга мўлжалланган ускуна ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланмаган;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг билим олиш ҳукуқи, инклюзив таълим тизимининг мазмун-моҳияти ҳақида жамоатчилик ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш йўлга қўйилмаганлиги натижасида ота-оналар алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган фарзандларини умумтаъ-

лим муассасаларида ўқитиши мумкинлиги ҳақида етарли маълумотга эга эмас;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббус амалиётга татбиқ этилмаган;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш масалаларига маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан етарли эътибор қаратилмапти;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнининг мураккаблиги ва шаффоф эмаслиги турли шаклдаги коррупция ҳолатларига сабаб бўлмоқда;

б) кадрларни тайёрлаш соҳасида:

умумтаълим муассасаларида инклюзив таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш талаб этилмоқда;

педагогик кадрларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда касбий малака даражаси инклюзив таълим учун етарли эмаслиги натижасида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришда қатор муаммолар юзга келмоқда;

педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари ўқув дастурларига инклюзив таълим бериш методикасига оид фанлар киритилмаган;

педагогика ва методика фанларига оид дарсликларда инклюзив таълим дастурлари киритилмаганлиги, шунингдек, бўлажак педагогларнинг алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар жалб қилинган таълим муассасаларида амалиёт ўтамаётганлиги уларнинг касбий тайёргарлик сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

умумтаълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари инклюзив таълим ҳақида етарли маълумотларга эга эмаслиги инклюзив таълимни жорий этишнинг самарасизлигига олиб келмоқда;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълими бўйича малака ошириш курслари ташкил этилмаган, улар фаолиятига инклюзив таълим бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилинмаган;

в) ўқув жараёнини ташкил этиш соҳасида:

умумтаълим муассасаларида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга инклюзив таълим бериш методикаси ишлаб чиқилмаган;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга инклюзив таълим беришнинг сифати ва самарадорлигини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилмаган;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълим оладиган таълим муассасалари зарур махсус ўқув адабиётлари ва методик-қўлланмалар билан етарли даражада таъминланмаган;

д) инклюзив таълим тизимини молиялаштириш соҳасида:

инклюзив таълимни ривожлантириш учун етарли маблағларни самарали ва шаффоф тизим асосида тақсимлаш ва фойдаланиш талаб этилмоқда;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ўқув жиҳозлари ва материалларини янгилаш, мактаб биноларида инклюзив таълимни жорий

этишга қаратилган шароитлар яратиш учун давлат бюджетидан таълим муассасаларига етарли маблағлар йўналтирилмаяпти.

3-боб. Инклюзив таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадлари ва устувор йўналишлари

5. Инклюзив таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсади — таълим олиш учун тенг имкониятни таъминлаш ва барча болаларнинг индивидуал хусусиятларидан, олдинги таълим ютуқларидан, тили, маданияти, ота-оналарнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатидан қатъи назар таълимда муваффақиятга эришиши учун зарур шарт-шароитларни яратишдир.

6. Инклюзив таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардир:

а) инклюзив таълим тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш:

педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида инклюзив таълим дастурларини жорий этиш, инклюзив таълим методикасига онд ўқув материалларини такомиллаштириш;

инклюзив таълим беришнинг замонавий назарияларини ўзлаштириш, инклюзив таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагогларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларини ташкил этиш ҳамда таълим беришда шахсга йўналтирилган ёндашувлар асосларини эгаллашга шароит яратиш;

ўқитувчи, ўқувчи, ота-она, жамоат ташкилотлари мутахассислари, кенг жамоатчилик учун инклюзив таълим бўйича ўқув-услубий мажмуалар ва оммабоп нашрлар яратиш;

инклюзив таълим тизими жорий этилган умумтаълим муассасаларида ўқитувчиларнинг сифат таркибини, хусусан, магистрлик даражасига эга бўлган педагоглар сонини босқичма-босқич ошириш;

инклюзив таълимни жорий этишда, аввало, чекка ҳудудларда жойлашган, ўқувчилар сони кам бўлган умумтаълим мактабларидаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ўқитишга эътибор қаратиш;

инклюзив таълим сифатини мустакил баҳолаш тизимини шакллантириш ва алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун қўшимча педагогик таълим хизматларини йўлга қўйиш;

халқ таълими соҳасида раҳбар кадрлар тайёрлаш бўйича стандартлаштирилган дастур ишлаб чиқиш, уларга инклюзив таълимни амалга ошириш механизмларини кўзда тутувчи ўқув курсларини киритиш;

масофавий курсларни йўлга қўйган ҳолда, инклюзив таълим тизими жорий қилинган умумтаълим муассасаларида фаолият олиб боровчи педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими самарадорлигини кучайтириш ва қамровини кенгайтириш;

педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг «Махсус педагогика» таълим йўналиши бўйича қабул параметрларини ошириш, Халқ таълими вазирлиги тавсияси асосида педагог ходимларга эҳтиёжи катта

бўлган чекка ҳудудлардаги абитуриентлар учун мақсадли қабул кўрсаткичларини белгилаш механизмини жорий этиш;

инклюзив таълим тизими жорий этилган умумтаълим муассасаларида ёш ўқитувчиларни, уларнинг хизмат мавқеи ўсишини ҳисобга олган ҳолда, касбий қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорликда ишлаш механизмини такомиллаштириш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга инклюзив таълим-тарбия беришда инновацион технологияларни қўллаш юзасидан педагог ходимлар учун методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

А. Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқув дастурларига инклюзив таълим-тарбияга оид махсус ўқув дастурлари ва машғулотларини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш орқали таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш;

б) инклюзив таълимда ўқитиш усуллариини такомиллаштириш, мазкур жараёнга индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ҳар бир боланинг инклюзив таълим олишига бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни камситиш, уларга нисбатан шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалада бўлишнинг олдини олишга қаратилган механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни эрта аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

болаларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сифатли таълим олиши учун тенг имкониятларга эга бўлишини ҳамда қулайликни таъминлаш бўйича давлат кафолатларининг амалга оширилишини таъминловчи ташкилий-бошқарув механизмларини яратиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни инклюзив таълим тизими жорий қилинган умумий ўрта ва профессионал таълим муассасаларига юбориш учун асос бўлувчи тиббий кўрсатмалар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ҳудудлар имкониятларини инобатга олган ҳолда инклюзив таълимни ривожлантириш ҳолати ва тенденциялари мониторингини олиб бориш;

ҳар бир болага ўзининг шахсий темпига мос равишда ривожланиш ҳуқуқини таъминлаш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга улардаги ақлий ёки жисмоний нуқсонларнинг ифодаланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда умумтаълим мактабида тегишли билимларни олишига шароит яратиш;

инклюзив таълим жараёнида ўқувчиларда ўқишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш ҳамда касб танлаш, касбий ўсишини мустақил режалаштириш, замонавий касбларни эгаллаш қобилиятини ривожлантириш;

инклюзив таълим дастурлари асосида замонавий дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда мультимедиа иловаларини яратиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни касб-хунарга ўқитишни такомиллаштириш ва ушбу йўналишларда қисқа муддатли курсларни ташкил этиш;

инклюзив таълимнинг ривожланишини мониторинг қилиш ҳамда амалга ошириладиган ишлар натижаларини ёритиб бориш;

в) инклюзив таълим жараёнида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, боланинг жисмонан соғлом ва бақувват шаклланишига эришиш:

инклюзив таълим муассасаларида ўқувчилар учун соғлом овқатланиш тамойилларини оммалаштириш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун спорт тўғрақларида ташкил қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ота-оналар ўртасида инклюзив таълим тизими тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш;

ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда инклюзив таълим тизими жорий қилинган таълим муассасаларида ўқувчилар ўртасида зўравонлик (буллинг)нинг олдини олишга қаратилган дастурларни жорий этиш;

г) алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълим оладиган таълим муассасалари биноларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар ўқитиладиган таълим муассасаларини зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, турли касбларга ўқитишга мўлжалланган ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

д) инклюзив таълим соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш:

барча инклюзив таълим тизими жорий қилинган таълим муассасаларини маълумотларни узатиш бўйича ягона тармоққа бирлаштириш;

таълим муассасаларини инклюзив таълимга жалб қилинган ўқувчилар учун махсус жиҳозланган компьютер техникаси, интерактив доска, эшитиш мосламалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик асосида инклюзив таълим жараёнини автоматлаштириш бўйича ахборот тизимини жорий этиш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун дарслик ва методик материалларнинг электрон шакллари eduportal.uz порталида жойлаштириш ва мунтазам янгилаб бориш;

инклюзив таълимга жалб қилинган болалар учун мавжуд дарслик ва ўқув-услубий адабиётларни электрон шаклга ўтказиш;

инклюзив таълим жараёни учун мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш жараёнини тизимли ташкил этиш;

е) инклюзив таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни бюджетдан молиялаштириш самарадорлигини ошириш:

илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда инклюзив таълим жорий этилган муассасалардаги қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларида илғор технологиялар ва муҳандислик ечимларига таяниш;

халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, «Замонавий мактаб» давлат дастури доирасида умумтаълим мактаблари учун инклюзив таълим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

инклюзив таълим тизими жорий қилинган умумтаълим муассасаларининг ўқув хоналари ва лабораторияларини замонавий мебель, жиҳозлар, ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа техникалари, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш;

давлат-хусусий шериклик асосида инклюзив таълим тармоғини ривожлантириш ҳисобига инклюзив таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш;

нодавлат умумтаълим мактабларида инклюзив таълим тизимини жорий қилиш амалиётини кенгайтириш;

ж) инклюзив таълимга жалб қилинган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш:

«Баркамол авлод» болалар мактаблари тўғаракларида инклюзив таълим иштирокчиларининг камровини ошириш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернетдан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчи кизларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг маданият, санъат, спорт ва бошқа йўналишларда эришган ютуқлари тўғрисида тарғибот тадбирларини ўтказиш.

4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

7. Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали 2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантиришда қуйидаги кўрсаткичларга эришиш назарда тутилади:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган шахсларнинг ривожланиши, реабилитацияси, жамиятга интеграциялашувида инклюзив таълимнинг стратегик омил сифатидаги роли тасдиқланади;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълимий муҳити яхлитлиги мустаҳкамланади, уларнинг жамиятга интеграцияси учун зарур шароитлар таъминланади;

давлат, жамият, шахснинг инклюзив таълим соҳасидаги манфаатларини мувофиқлаштириш механизмлари яратилади;

инклюзив таълим тизимининг умумий қулайлиги, узлуксизлиги, таълим сифати, шунингдек, ўқувчиларнинг ривожланиш даражаси, хусусиятларига мослашувчанлиги ва вариативлигига эришилади;

инклюзив таълим соҳасидаги халқаро муносабатлар доирасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланади;

ўқувчилар таълимий эҳтиёжларнинг ўзига хослигини инobatга олган ҳолда сифатли таълим олиши учун улар давлат томонидан қўллаб-қувватланади;

инклюзив таълимни босқичма-босқич жорий этиш орқали алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари оптималлаштирилади, уларда таълим олаётган ўқувчиларнинг тенг ҳуқуқли жамият аъзоси сифатида умумтаълим муассасаларида билим олиши таъминланади;

педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларида инклюзив таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;

инклюзив таълим муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланади;

инклюзив таълим муассасаларининг Интернет тармоғига тўлиқ уланиши таъминланади;

инклюзив таълим муассасаларида ўқувчиларни қабул қилиш ва бошқа таълим муассасаларига ўтказиш учун давлат хизматларини кўрсатиш механизми жорий этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**452 Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда ўсимликлар карантини тизимини янги босқичга кўтариш, соҳага илм-фан янгиликлари, халқаро амалиёт ва рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми ва географиясини янада кенгайтириш, уларни етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) тизимидаги Ўсимликлар карантини илмий маркази негизида Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

Тошкент давлат аграр университетининг Термиз, Нукус ва Самарқанд филиалида ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида Марказнинг замонавий лабораторияларга эга бўлган минтақавий филиаллари ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Марказ ва минтақавий филиалларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика ҳудудида катта иқтисодий зарар келтириши мумкин бўлган зарарли организмларнинг фитосанитар хавф таҳлилини ўтказиш ва улар кириб келишининг олдини олишга қаратилган илмий асосланган фитосанитар чоралар ишлаб чиқиш;

карантиндаги ва бошқа хавфли зарарли организмлар ўчоқларини йўқ қилиш ва улардан ҳоли бўлган ҳудудларни белгилаш, улар тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш;

карантин объектлари ва ўсимликларнинг бошқа хавфли зарарли организмларини аниқлаш ва улар диагностикасининг экспресс-усулларини ҳамда уларга қарши курашишнинг услубларини ишлаб чиқиш;

зарарли организмларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш, уларни зарарсизлантиришнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва янги турдаги энтомофаглар яратиш;

Инспекция ходимларига, тадбиркорлик субъектларининг агроном ҳамда энтомологларига билим бериш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2021 йил 1 январдан бошлаб:

хусусий сектор томонидан ташкил этилган, аккредитациядан ўтган карантин лабораториялари томонидан экспортга юкланаётган мева-сабзавот маҳсулотларига ва бошқа материалларга хулоса беришга рухсат берилади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 14 октябрда эълон қилинган.

Инспекция томонидан экспортбop мева-сабзавот махсулотлари етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг мутахассисларига халқаро стандартлар ва импорт қилувчи давлатларнинг фитосанитар талаблари ҳақида билим бериб бориш бўйича мунтазам равишда махсус ўқув курслари ташкил этилади;

б) 2021 йил 1 апрелдан бошлаб республика ҳудудига хорижий мамлакатлардан махсулотларни олиб кирган транспорт воситалари (самолётлар, темир йўл вагонлари ва контейнерлари, юк автомашиналари) юк хоналарини карантин назоратидан ўтказиш ва «детектор — хизмат ит»ларидан фойдаланиш ҳамда зарур ҳолларда фумигация қилиш (зарарсизлантириш) тизими жорий қилинади;

в) 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб:

экспортбop қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш, тайёрлаш ва қадоқлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига махсулотларни хорижий давлатлар фитосанитария талабларига мувофиқлаштириш, тегишли маслаҳатлар ва амалий ёрдам бериш учун ўсимликлар карантини давлат инспекторлари бириктирилади;

ўз ҳудудида аниқланган зарарли организмлар ҳамда фитосанитар дала назоратини ўтказиш тўғрисида Инспекцияга ихтиёрий мурожаат қилган ва уларнинг оқибатларини бартараф этган шахслар маъмурий жавобгарликдан озод қилинади.

4. Қуйидагилар:

2020 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар карантини фаолиятини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2020-2021 йилларда ташкил этиладиган ўсимликлар клиникалари, биологаториялар ва қадоқлаш цехларининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси марказий аппаратининг тузилмаси 4-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг (кейинги ўринларда — ҳудудий инспекциялар) намунавий тузилмаси 5-иловага* мувофиқ;

ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциялари ходимларининг сони 6-иловага* мувофиқ;

автомобиль йўлларидаги, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё порти ва ТИФ постларидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамтдаги пункт рўйхати 6а-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

ушбу қарорнинг 1-илосида белгиланган тадбирларни молиялаштириш

* 1 — 6а-илосалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат бюджети маблағлари, Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Инспекция раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига 2020-2021 йилларда ташкил этиладиган ўсимликлар клиникалари, биологический лабораториялар ва қадоклаш цехларининг ўз вақтида барпо этилиши ҳамда ишга туширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланади.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини қабул қилсин.

Бунда, Марказ «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ ҳузуридаги «Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти» МЧЖга қарашли Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бобур кўчаси, 4-уй манзилида жойлаштирилиши назарда тутилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ ва унинг минтақавий филиаллари ходимларига республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини молиявий таъминлаш Давлат бюджети маблағлари, грантлар, бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини молиялаштириш 2020 йилда Давлат бюджетидан Инспекцияга ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади ҳамда 2021 йилдан бошлаб бунинг учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағлар кўзда тутилади.

8. Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази ва унинг минтақавий филиалларига бириктириладиган муассасалар рўйхати 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ҳар бир муассаса катта иқтисодий зарар келтириши мумкин бўлган зарарли организмларнинг фитосанитар хавф таҳлилини ўтказиш, кириб келишининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича илмий асосланган чоралар ишлаб чиқиш учун мутахассисларни бириктиради.

9. Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Инспекция билан биргаликда мазкур қарорга 7-иловада келтирилган муассасалар қошида уруғлар, ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ва бошқа материалларни карантин текшируви ва экспертизадан ўтказиш бўйича карантин лабораторияларини ташкил қилсин. Бунда:

Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги илмий лойиҳаларда уларнинг моддий-техник базасини янада такомиллаштиришга маблағлар йўналтирилишини;

Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривож-

* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ланиш вазирлиги билан биргаликда илмий-тадқиқот институтлари ва Тошкент давлат аграр университетининг ходимлари лабораторияларга бириктирилишини ҳамда замонавий асбоб-ускуналарда ишлаш кўникмаларини шакллантириш учун хорижий стажировкалар ташкил этилишини таъминласин.

10. Инспекция ва Марказ вазифаларидан келиб чиқиб:

Илмий-тадқиқот институтлари қошидаги карантин лабораториялари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси 8-иловага* мувофиқ;

республикадаги биологический лабораториялар ва ўсимликлар клиникаларини тегишли илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари кафедраларига бириктириш жадваллари 9 ва 9а-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, биологический лабораториялар ва ўсимликлар клиникаларининг фаолиятини ҳар бир ҳудуднинг хусусиятлари ва тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, янги турдаги энтомофагларни кўпайтириш ва маҳсулот етиштирувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича инновацион усулларни ишлаб чиқиш, тегишли йўналишлар бўйича услубий ва амалий кўмак бериш орқали илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари кафедралари мувофиқлаштириб боради.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Инспекциянинг ходимларига қўйиладиган малака талаблари асосида тегишли олий таълим муассасаларида ўтказиладиган 144 соатлик қисқа муддатли курсларни ишлаб чиқсин ҳамда Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари карантини таълим йўналишининг ўқув режасини қайта кўриб чиқсин;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалида Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари карантини таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин;

Инспекциянинг ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб барча қишлоқ хўжалигига ихтисослашган профессионал таълим муассасаларида «Ўсимликлар химояси лаборанти» ва «Ўсимликлар химояси ва карантини агрономи» каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин.

12. Инспекция:

а) қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

икки ой муддатда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тез бузиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга юкланадиган жойларда зарур инфратузилма яратиш ва ускуналар билан жиҳозлаш бўйича таклифларни;

2021 йил 1 июлга қадар Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўсимликлар карантини чегара пунктларини республика ҳудудига олиб кириладиган карантин ос-

* 8 — 9а-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тидаги маҳсулотларнинг тури бўйича ихтисослаштириш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини;

икки ой муддатда Ўзстандарт агентлиги билан биргаликда хусусий сектор томонидан ташкил этилган, аккредитациядан ўтган карантин лабораториялари томонидан экспортга юкланаётган мева-маҳсулотларига хулоса бериш тартибини;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича Халқаро конвенция котибияти билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда 2020 — 2022 йилларда соҳадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка босқичма-босқич уйғунлаштириш чораларини кўрсин;

в) 2021 йил 1 январга қадар Давлат божхона қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда «e-Fitouz» автоматлаштирилган ахборот тизимини «Ягона дарча» божхона ахборотлаштирилган тизимига интеграция қилиш ишларини тўлиқ якунласин. Бунда:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Гидрометеорология хизмати маркази тегишли равишда ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари етиштирадиган фермер ва деҳқон хўжаликлари, боғ-токзорлар, аҳоли томорқалари, об-ҳаво башорати тўғрисидаги маълумотлар Инспекциянинг «e-Fitouz» автоматлаштирилган ахборот тизимига мунтазам киритилиши учун уларни доимий равишда тақдим этиб борсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар «e-Fitouz» автоматлаштирилган ахборот тизими базасида «даладан экспортгача» бўлган занжирни қамраб олувчи тизимни яратсин ва ишга туширсин;

карантиндаги ва экспортга салбий таъсир этувчи бошқа хавфли зарарли организмлар тарқалган ҳамда улардан холи бўлган ҳудудларнинг электрон хариталари юритилишини жорий қилсин;

«даладан экспортгача» бўлган занжирда «бар-код» тизимини ишлаб чиқиш бўйича амалий чораларни кўрсин.

13. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Марказ ва унинг минтакавий филиаллари, илмий-тадқиқот институтлари ва Тошкент давлат аграр университетининг карантин лабораториялари барча зарур лаборатория ускуналари ва техник воситалар билан жиҳозланиши учун икки ой муддатда 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

14. «Ўзстандарт» агентлиги карантин лабораториялари фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этиш мақсадида Конвенциянинг лаборатория диагностикаси йўналишидаги стандартлари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

15. Кадастр агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Навоий ва Қашқадарё вилояти ҳокимликларининг 10-иловага* мувофиқ биноларни

* 10-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

худудий инспекцияларга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги ташкилотларга тегишли бинолар қайта баҳоланган бозор қийматида Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Давлат бюджети олдидаги мавжуд қарздорликларни қисқартириш ҳисобига берилиши белгилансин.

16. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари Ш. Ганиев бир ҳафта муддатда ташкилий йиғилиш ўтказиб, масъул вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг вазифаларини аниқ белгилаб берсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ҳудудлар кесимида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг тасдиқланишини таъминласин;

б) Инспекция (Эргашев):

икки ой муддатда экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш ва қадоқлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўсимликлар карантини давлат инспекторлари бириктирилишини таъминласин;

2020 йил якунига қадар экспорт қилинадиган маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун халқаро фитосанитария сертификати берилиши, улар етиштирилган дала, боғ ва томорқалар назорати натижасида бериладиган ички фитосанитария сертификатини жорий қилиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда 2021 йил якунига қадар кластерлар ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида биофабрика ташкил қилиш, уларда янги инновацион технологиялар асосида энтомофагларни кўпайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2021 йил 1 январдан бошлаб Марказда экспортбоп маҳсулот етиштирувчи, тайёрловчи, сараловчи ва қадоқловчи тадбиркорлик субъектларидаги ҳамкорликни таъминловчи ходимларнинг махсус ўқув курсларида ўқитилишини ташкил этсин;

олти ой муддатда Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда республика манфаатларидан келиб чиққан ҳолда 2020 — 2023 йиллар давомида Озарбайжон, Қатар, Туркия, Латвия, Литва, Украина, Миср, Мўғулистон, Чили, Афғонистон Ислом Республикаси ва бошқа давлатларнинг ўсимликлар карантини соҳасидаги ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича икки томонлама битимлар тузилишини таъминласин;

хар чоракда амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) Инспекция билан биргаликда маҳаллий мева-сабзавотлар экспортига салбий таъсир кўрсатадиган карантиндаги ва бошқа хавфли организмларга қарши самарали курашиш, улар

тарқалишининг тезкор олдини олиш учун АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа илғор давлатлар тажрибаларини ўрганиш натижалари асосида қўлланиладиган инновацион кимёвий препаратлар ва пестицидларнинг ўрнатилган тартибда рухсат этилган рўйхатини мунтазам равишда мувофиқлаштириб борсин;

г) Ташқи ишлар вазирлиги (Арзиев) мунтазам равишда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ўзаро келишувга эришиш орқали маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт бозорларини кенгайтириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин ва ҳамкорлик қилиш бўйича икки томонлама битимлар тузишда ҳар томонлама қўмаклашсин;

д) Давлат божхона қўмитаси (Азимов) ҳамда Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов) Инспекция талабларидан келиб чиқиб, 2020 йил декабрдан бошлаб йилига 5 тадан ўсимликлар карантини соҳасидаги «детектор — хизмат ит»лари ҳамда 5 нафардан кинологлар тайёрлаб берилишини таъминласин;

е) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

бир ой муддатда мазкур қарорга 2-иловада белгиланган прогноз кўрсаткичлари бўйича Инспекция ва «Ўзагрокимёхимоя» АЖ билан келишилган ҳолда аниқ инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаб, мақбул ер майдонлари «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасига қўйилишини таъминласин;

Инспекция билан биргаликда мева-сабзавот экспортёрлари билан уларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва тезкор бартараф қилиш мақсадида ҳар чоракда камида бир марта семинар ва учрашувлар ўтказиш амалиётини йўлга қўйсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартдаги «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3626-сон қарорининг 2, 3, 4 ва 8-бандлари ҳамда унга 1 — 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Инспекция манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Р.А. Гулямов, А.А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 13 октябрь,
ПҚ-4861-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**453 Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнгги йилларда аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган «Хар бир оила — тадбиркор», «Ёшлар — келажагимиз» ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 трлн сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди.

Мазкур дастурлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини ошириш учун туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, орттирилган тажриба ҳамда халқаро амалиёт комплекс ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи кредит олиш имкониятидан иборат бўлган яхлит тизимни шакллантиришни тақозо этмоқда.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, микромолиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги асосий йўналишлари амалиётга жорий этилсин:

аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқиши ва манфаатдорлигини ошириш;

аҳолида тадбиркорлик соҳасида зарурий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқитиш тизимини жорий этиш, мазкур жараёнга халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва нодавлат таълим ташкилотларини кенг жалб қилиш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган микрокредитлаш тизимини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва ривожлантириш;

аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга оид ижтимоий дастурларни иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохотлар билан уйғун ва мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган аҳолини ва бошқа кичик бизнес вакиллари салоҳиятини рўёбга чиқариш орқали улар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган тўлақонли тизимни яратиш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизимни ташкил этиш ва ягона давлат ташкилоти томонидан амалга оширилишини ва мувофиқлаштириб борилишини йўлга қўйиш.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 14 октябрда эълон қилинган.

2. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва барча бўғиндаги ҳокимликлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорликка қизиқишини ва манфаатдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни ўзларининг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида белгиласин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб этган ҳолда аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши, турмуш даражасини яхшилашга интилиши ва манфаатдорлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган мотивацион чора-тадбирлар дастурларининг тасдиқлашини таъминласин. Бунда муваффақиятли ёш тадбиркорлар ва тажрибали бизнес вакиллариини жалб қилишга эътибор қаратилсин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди мазкур бандда келтирилган тадбирларни амалга ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирокини таъминласин.

Ёшлар ишлари агентлиги аҳолига ўзининг турмушини яхшилаш, касб-хунар ва бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган «коучинг» видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлар тайёрлаш учун танлов асосида ижтимоий буюртмалар жойлаштирсин.

3. 2020 йил 15 ноябрдан бошлаб ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар ва белгиланган талаблар асосида ташкил этилган ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи (ёшлар, хотин-қизлар) учун касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдори давлат томонидан компенсация қилинади;

касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари курсларини муваффақиятли тамомлаб, уларнинг сертификатини (кейинги ўринларда — махсус сертификат) олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун мазкур қарорнинг 5-бандига мувофиқ микрокредит ажратилади.

4. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби билан биргаликда:

2020 йил 15 ноябрдан бошлаб аҳолини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотлари электрон реестрини шакллантириб борсин ва унинг ошкоралигини таъминласин;

2022 йил 1 январдан хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда халқаро стандартлар, шу жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа халқ-

аро ташкилотларнинг тадбиркорликка ўқитиш дастурлари ва тизими асосида Тадбиркорликка ўқитишнинг ягона тизимини ишга туширсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра «Микрокредитбанк» АТБ томонидан нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган:

тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади;

микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади.

Бунда микрокредитлар 3 йил муддатгача 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратилади.

6. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни молиявий манба билан таъминлаш мақсадларига 100 миллион АҚШ доллари эквивалентида маблағ ажратсин. Ушбу маблағларнинг:

9 миллион АҚШ доллари эквиваленти Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига мазкур қарорнинг 3-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун беғараз асосда;

1 миллион АҚШ доллари эквиваленти Ёшлар ишлари агентлигига мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун беғараз асосда;

90 миллион АҚШ доллари эквиваленти махсус сертификатни олган ёшларга (жами 45 млн доллар) ва хотин-қизларга (жами 45 млн доллар) кредитлар ажратиш учун «Микрокредитбанк» АТБга 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз бандга паст фоиз ставкасида йўналтирилсин.

«Микрокредитбанк» АТБ ушбу маблағларни мазкур қарорнинг 5-бандида кўрсатилган янгича тартибда микрокредитлаш мақсадларига йўналтирсин.

7. Белгилансинки, 2022 йил 1 июлдан бошлаб «Ҳар бир оила — тадбиркор», «Ёшлар — келажагимиз» ва бошқа оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида давлат мақсадли ресурслари ҳисобидан кредитлар «Микрокредитбанк» АТБ томонидан тадбиркорлик йўналиши бўйича тегишли ўқув курсларини тамомлаган шахсларга ягона микрокредитлаш дастури асосида ажратилади.

8. «Микрокредитбанк» АТБ:

2021 йил давомида республиканинг барча туман ва шаҳарларида, шу жумладан, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микромолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфратузилмалари тармоқларини ташкил этсин;

ўзи операторлик вазифасини бажарувчи Микромолиялаш миллий тизимини яратиш ва унда бошқа кредит ташкилотларининг манфаатдорлик асосида иштирок этишини таъминловчи тизим жорий этиш бўйича чоратадбирлар режасини ишлаб чиқсин;

банкнинг қуйи бўғин ходимларини тўлиқ қайта тайёрлаш ва мижозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизимини жорий қилсин. Бунда соҳада муваффақиятга эришган ва халқаро тан олинган хорижий молия институтларида ходимларнинг малака ошириши ва тажриба алмашишини ташкиллаштирсин;

махсус сертификат олган шахслар тўғрисида маълумот алмашиш мақсадида микрокредитлаш дастурларида иштирок этаётган касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари билан ўзаро электрон ахборот алмашинуви тизимини йўлга қўйсин.

Молия вазирлиги «Микрокредитбанк» АТБ бошқаруви таркибига ижтимоий йўналтирилган микрокредитлаш соҳасида етарли тажрибага эга бўлган хорижий малакали мутахассисларнинг жалб қилинишини таъминласин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги 2021 йилнинг 1 январига қадар «Микрокредитбанк» АТБнинг аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес моделини ишлаб чиқсин ва унда қуйидагиларга эътибор қаратсин:

микрокредит олиб кейинчалик барқарор тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтирган ёки камбағаллик рўйхатидан чиққан мижозлар сони ва улуши ошиб боришини банк фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан (KPI) бири сифатида белгилаш;

микрокредитлаш дастурлари доирасида касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда микрокредитлаш мақсадларида аҳолини молиявий саводхонликка ўқитишни ташкил этиш;

микрокредит олган тадбиркорлар фаолиятини доимий кузатиб бориш ҳамда уларга маслаҳат ва қўмак бериш институтини шакллантириш;

банк мижозлари томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар учун харидорлар топиш ва бозорларни кенгайтиришда қўмаклашиш.

10. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги мазкур қарорда аҳолини тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида келтирилган механизмлар, хусусан, уларни ўқитиш, микрокредит ажратиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш борасида ваколатли давлат органи этиб белгилансин. Бунда Агентлик:

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда аҳоли ва тадбиркорларни тадбиркорликка ўқитиш бўйича ишларни ташкил этади, мувофиқлаштиради ва бу борада ягона тизимни шакллантиради;

«Микрокредитбанк» АТБ билан биргаликда тадбиркорлик бўйича ўқув

курсларини тамомлаб ва кейинчалик микрокредит олиб фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мониторинг қилиб боришнинг ягона «рақамли» тизими жорий этилишини таъминлайди;

доимий мониторинг ва таҳлиллар асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришни (йириклаштиришни) рағбатлантирувчи молиявий ва номолиявий қўллаб-қувватлаш чораларини такомиллаштириш ва янгиларини жорий этиш бўйича таклифлар киритиб боради;

иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар билан ўзаро мувофиқлиги ва тўлдирувчанлигини таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб барча турдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва механизмлари ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлайди.

11. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда аҳолини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотлари электрон реестрини шакллантириш ҳамда уларнинг ўқитишга сарфланган харажатларини компенсация қилиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, шу жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

нодавлат касб-хунар таълими ташкилотлари ва мутасадди идоралар ўртасида ўқувчиларнинг давоматини реал вақт режимида мониторинг қилиш, махсус сертификатга эга битирувчилар тўғрисида маълумотлар олиш имкониятини берувчи идоралараро электрон ҳамкорликни жорий этиш;

нодавлат касб-хунар таълими ташкилотлари фаолиятини энг асосий мезон сифатида уларнинг натижадорлиги, шу жумладан, махсус сертификат олган битирувчиларнинг тадбиркорлик ва касб-хунар бўйича фаолиятини бошлаганлигидан келиб чиққан ҳолда баҳолаб бориш;

компенсация тақдим этишда ошкоралик ва ҳаққонийликни таъминлаш, мазкур жараёнда турли хил суиистеъмолликлар қилинишининг олдини олишга қаратилган коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизimini яратиш.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 июлдаги ПҚ-4782-сон қарорига мувофиқ Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 2 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига ёшлар ва хотин-қизларни кичик тадбиркорликка жалб қилиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтириш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

13. Белгилансинки, мазкур маблағлар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ресурс базасини оширишга йўналтирилади ва эксперимент тариқасида кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва унга жалб қилиш лойиҳаларини амалга оширадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидагича тартибда фойдаланилади:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларини амалга ошириш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан танлов асосида 5 йил муддатга, жумладан, бир йиллик имтиёзли давр билан йиллик 4 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилади;

нодавлат нотижорат ташкилотларига қарз маблағларини ажратиш учун танловни ўтказиш ҳамда улар билан ижтимоий шериклик тўғрисида шартномаларни тузиш Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилади;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларига ажратилган қарзнинг бир қисmini микрокредит ташкилотларига шартнома асосида ресурс сифатида жойлаштиради;

нодавлат нотижорат ташкилотларига қарз маблағларини ажратиш учун танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва мустақил экспертлар иштирокида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда ўқув курслари билан камраб олинадиган ҳудуд ва аҳоли сони, микроқарз фоиз ставкasi, ўқув дастурлари сифати каби асосий мезонларга асосан тақлифларни баҳолашни назарда тутди.

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги бир ой муддатда нодавлат нотижорат ташкилотлари орасида мазкур маблағлар ҳисобидан қарз ажратиш бўйича танловларни эълон қилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ажратиладиган маблағларнинг самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг ўрнатсин.

14. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларига мазкур қарорнинг 13-бандига мувофиқ тақдим этиладиган қарз маблағлари ҳисобидан микроқарзлар микрокредит ташкилотлари томонидан кенг аҳоли қатламларига, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга қуйидаги шартларда ажратилади:

қарз олувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг молиявий саводхонликни ошириш, касбий ва тадбиркорлик кўникмаларни шакллантиришга қаратилган дастурлари талабларига мос келиши лозим;

микроқарзлар тадбиркорлик ва даромад олишга қаратилган мақсадлар учун бир қарз олувчига 25 миллион сўмдан ошмаган миқдорда ажратилиши лозим;

микрокредит ташкилотлари қарз олувчи томонидан шартномага мувофиқ мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш шартисиз, шу жумладан, бир-бирларини қўллаб-қувватлайдиган гуруҳ кафиллиги асосида микромолиявий хизматлар кўрсатишга ҳақли.

15. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда олинадиган давлат божи маблағларининг 20 фоизи Савдо-саноат палатасига йўналтирилади;

давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларнинг Савдо-саноат палатасига йўналтириладиган қисми 3 фоиздан 5 фоизгача (Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига йўналтириладиган қисмини камайтириш ҳисобидан) оширилади.

16. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича ваколатли офислари очилсин ва уларнинг намунавий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати тузилмаси 2 ва 3-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда икки ҳафта муддатда Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ва Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг низомларини тасдиқласин.

17. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Марказий банк раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 13 октябрь,
ПҚ-4862-сон

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**454 Саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот
маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни
кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Экин майдонлари ва аҳоли томорқаларидан оқилона фойдаланиш, экспортбop қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, саримсоқпиёз етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш, камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг моддий манфаатдорлигини ошириш борасидаги ишларни тизимли давом эттириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) ҳамда унинг масъулияти чекланган жамият шаклидаги ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — ҳудудий жамиятлар) ташкил этилганлиги; ҳудудий жамиятлар Уюшманинг муассислари ҳисобланиши;

Уюшма фаолиятини молиялаштириш манбалари аъзолик бадаллари, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, илмий тадқиқотларни олиб бориш учун ажратилган давлат грантлари ҳамда халқаро молия институтлари грантлари ҳисобланиши;

Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида Саримсоқпиёз етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси ташкил этилганлиги, 400 гектар майдонда кластер усулида аҳоли хонадонларини бириктириш орқали саримсоқпиёз етиштириш йўлга қўйилганлиги;

Уюшмага маҳсулот етиштирувчиларга агрономик тавсиялар беришда, энг мақбул давлатларга қулай вақтларда экспорт қилишда кўмаклашиш, уларнинг малакасини ошириш вазифалари юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2021-2022 йиллар ҳосили учун август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини турлари бўйича етиштириш ҳажми тўғрисидаги таклифлари 1 — 3-иловаларга** мувофиқ маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

Уюшмага ташқи ва ички бозор талабларидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 июнга қадар август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларини жойлаштириш бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлигига таклифлар киритиш ҳуқуқи берилади;

август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот экинла-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 октябрда эълон қилинган.

** 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ри Уюшма таклифига мувофиқ пахта ва ғалла майдонларидан қисқартирилган, фойдаланишга киритиладиган, захирадаги ерлар, шунингдек, такрорий экин сифатида ғалладан бўшайдиган ва бошқа ер майдонларига жойлаштирилади;

август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзаёт маҳсулотларини етиштириш «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида ажратиладиган, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Уюшма Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзаёт экинларини кластер ва кооперация усулида етиштириш бўйича халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган аниқ лойиҳаларни тижорат банкларига тақдим этади.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда саримсоқпиёз етиштириш лойиҳасини амалга ошириш учун 7 млрд сўм миқдоридаги маблағлар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизи миқдорида 1 йиллик муддатга Булоқбоши тумани ҳокимлиги ва Уюшма кафилиги асосида тенг улушларда ссуда сифатида ажратилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Булоқбоши туманида жорий этилган тажрибани кенг татбиқ этиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раисининг деҳқон хўжаликлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш масалалари бўйича ўринбосари (кейинги ўринларда — Кенгаш раисининг ўринбосари)га:

Уюшма фаолиятини амалга оширишга, қайта ишлаш корхоналари, экспорт қилувчилар ва маҳсулот етиштирувчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш;

август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзаёт экинларини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли ресурслари ва грантларини, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини жалб этиш;

кооперация (кластер) асосида ишлайдиган кластер ва экспорт қилувчи ташкилотлар маҳсулот етиштирувчиларга бириктирилишини таъминлаш;

маҳсулот етиштирувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш учун ҳар йили июнь-июль ойларида ўқув-семинарларни ташкил қилиш;

хорижий давлатлар фитосанитария талабларидан келиб чиқиб, август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзаёт экинларининг экс-

портбоп навларини етиштириш ва экспорт қилиш борасидаги ишларни ташкиллаштириш вазифалари юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига икки ҳафта муддатда:

мавжуд вазифалар тақсимотини ва штат бирликларини қайта кўриб чиқиб, Кенгаш раисининг ўринбосарига марказий аппарат, ҳудудий бошқарма ва туман бўлимларидан тегишли тузилмаларни бириктириш;

Кенгаш раисининг ўринбосари таклифига кўра, хўжалик ҳисобидан қўшимча штат бирликлари олинишини таъминлаш тавсия этилсин.

7. Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бир ой муддатда:

хорижий давлатлар фитосанитария талабларидан келиб чиқиб, саримсоқпиёзнинг экспортбоп навларини етиштириш, тайёрлаш ва қадоқлаш борасида тавсиялар ишлаб чиқсин ҳамда амалий ёрдам бериш учун карантин инспекторларини туманлар миқёсида маҳсулот етиштирувчиларга бириктирсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Экспорт қилувчилар уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Уюшма билан биргаликда маҳсулотнинг энг мақбул давлатларга қулай вақтларда экспорт қилинишини таъминлаш, янги экспорт бозорларини очиш чораларини кўрсин.

8. Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳаларнинг грант танловлари асосида амалга оширилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, грант танловларида август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларининг янги, экспортбоп навларини яратиш, оналик уруғ ва кўчатзорларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази билан биргаликда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити ўзига хослигидан келиб чиқиб, август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот экинлари навларини жойлаштириш ва етиштириш агротехникаси бўйича тавсиявий қўлланма ишлаб чиқиб, жойларга етказсин;

бир ой муддатда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин;

Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларини сув билан таъминлаш, сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш чораларини кўрсин;

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти томонидан Уюшма билан биргаликда август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларининг ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитларига мос, шўрга ва сувсизликка чидамли навларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот лойиҳалари амалга оширилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Уюшмага маҳсулотни сақлаш, экспорт қилишда қўмаклашсин.

10. Уюшмага Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Уюшманинг қисқа муддатларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши, унинг ташкилий тузилмаси, низоми ва ҳудудий жамиятларнинг намунавий тузилмасини тасдиқлаш тавсия этилсин.

Уюшма Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳарчасидаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

11. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси билан биргаликда саримсоқпиёз ва сабзавот экинларининг экспортбоп навларини етиштириш, уларни экспорт қилиш, хорижий давлатлар фитосанитария талабларини тушунтиришга оид махсус кўрсатувлар ташкил этиш ва мунтазам намойиш этиб бориш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 октябрь,
ПҚ-4863-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**455 Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб
чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастур-
ларини шакллантиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғри-
сида***

Таълим ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, лойиҳаларни тайёрлаш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иштирокини кенгайтириш ва якуний натижаларга эришиш юзасидан мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, шунингдек, 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) сифатли шакллантириш мақсадида:

1. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги 2021 йил учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Дастурни амалга ошириш учун 17,1 трлн сўм, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари учун 1,5 трлн сўм маблағлар ажратилишини кўзда тутсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида қуйидаги тадбирларни молиялаштириш учун алоҳида сатрларда маблағлар кўзда тутилади:

а) эркин иқтисодий зоналарни, кичик саноат зоналарини ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш;

б) туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ажратилган маблағлар ҳисобидан қуйидаги ишларни амалга оширади:

туман марказлари, шаҳарлар ва йирик аҳоли пунктларида парк зоналарини ривожлантириш, ташқи ёритиш, суғориш ва дренаж тизимларини яратиш, шунингдек, пиёда ва велосипед йўлакларини куриш;

хар бир туман маркази ва шаҳарда камида биттадан марказий кўчани замонавий шаҳарсозлик лойиҳалари асосида режалаштирган ҳолда мукамал таъмирлаш.

3. Белгилансинки:

туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштиришга 2021 йилда 1,4 трлн сўм маблағ ажратилади

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 17 октябрда эълон қилинган.

ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари параметрларида алоҳида сатрда кўзда тутилади;

Дастурни шакллантиришда тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан таклифлар мазкур қарорга 1-иловада* кўрсатилган 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг асосий параметрлари доирасида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритилади;

Дастурнинг манзилли қисмига, биринчи навбатда, аввалги йиллардан ўтувчи ва қурилиш-монтаж ишлари якунланмаган объектлар, шунингдек, молиявий ресурслар билан тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли тугатилмай қолган объектлар киритилади ҳамда уларни фойдаланишга топшириш учун зарур маблағлар кўзда тутилади;

мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга мазкур ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан маблағлар ажратилиши муносабати билан, уларга йўналтирилаётган марказлашган инвестиция ҳажмлари мос равишда қисқартирилади;

2022 йилдан бошлаб бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритилади.

4. Шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкаларининг бош режаларини, шунингдек, қишлоқлар (овуллар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функциялари Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларига ўтказилсин.

Қурилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда туман маркази ва шаҳарларнинг бош режалари ҳамда батафсил режалаштириш лойиҳалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқишни жадаллаштирсин.

5. 2021 йилда инжиниринг хизматларини кўрсатиш учун эксперимент тариқасида хусусий тадбиркорлик субъектлари жалб этиладиган объектлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қурилиш вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

эксперимент доирасида буюртмачи функцияларини бажаришга жалб қилинадиган хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатини энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаларига кўра аниқласин;

объектларни буюртмачи хизматларининг функцияларини бажаришга

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жалб қилинадиган хусусий тадбиркорлик субъектлари орқали молиялаштириш, шунингдек, улар учун ғазначилик шахсий ҳисобварақларини очишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Дастурни шакллантириш ва амалга ошириш доирасида:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ва бирламчи тиббий-санитария муассасаларининг (қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, тез ёрдам станциялари ва шошилиш тиббий ёрдам муассасалари) моддий-техник базасини ривожлантириш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлашнинг устуворлигини таъминлаш, тармокда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кенгайтириш бўйича зарур чораларни кўрсин;

б) Халқ таълими вазирлиги:

умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун ажратиладиган маблағларни 2 барабарга кўпайтириш ҳисобига хизмат муддати 10 йилдан ошган ўқув парталарини 2021-2022 йилларда тўлиқ янгилашни назарда тутсин;

биринчи навбатда, янги барпо этилаётган массивларда мактаблар қуриш, навбатлилиқ коэффициенти 1,5 дан юқори бўлган умумтаълим мактаблари қувватларини ошириш, таъмирталаб мактабларни капитал таъмирлаш ва спорт зали мавжуд бўлмаган мактабларда спорт заллари қуриш, шунингдек, касб-хунар коллежларининг бино-иншоотларидан мазкур мақсадлар учун самарали фойдаланишни кўзда тутсин;

в) Мактабгача таълим вазирлиги:

мактабгача таълим ташкилотлари, биринчи навбатда, аҳолиси нисбатан зич жойлашган ва қамров даражаси паст бўлган аҳоли яшаш пунктларида ҳамда янги барпо этилаётган массивларда қурилишини таъминласин;

Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари ва шаҳарларда асосан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мактабгача таълим ташкилотларини қуришни, олис ва аҳолиси тарқоқ жойлашган ҳудудларда эса оилавий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этишни кенг жорий қилсин;

г) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар:

олий таълим муассасаларини қуриш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағларини кенг жалб қилсин ҳамда тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини йўналтирсин;

олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш даражасини оширишга грант ва хорижий кредитларни кенг жалб қилиш, хусусан, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда нодавлат олий таълим муассасаларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

д) Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва «Ўзсубтаъминот» акциядорлик жамияти:

аҳолининг ичимлик ва оқова сув таъминоти қамрови даражасини ошириш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини модернизация қилиш ишларига Давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда хорижий молия институтларининг кредити ҳамда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида

тадбиркорлик субъектлари маблағларини жалб қилиш ишларини жадаллаштирсин;

олис, тоғ, чўл ва аҳолиси тарқоқ жойлашган ҳудудларда аҳолини сув билан таъминлашнинг муқобил шакллари, шу жумладан, давлат ижтимоий буюртмалари асосида йўлга қўйсин;

ичимлик суви таннархини пасайтириш ва сув йўқотишларини камайтириш мақсадида, соҳага ажратиладиган маблағларнинг 10 фоизини энергия тежамкор ускуна-жиҳозларни ўрнатиш ва махсус техникаларни харид қилишга йўналтирсин;

е) Транспорт вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси:

халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишларига халқаро молия институтлари ҳамда хусусий шерикларнинг маблағларини кенг жалб қилсин;

ажратиладиган маблағларни, асосан, серкатнов, тирбандлик юқори бўлган, таъмирга муҳтож ва ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган маҳаллий аҳамиятдаги йўллар, туман ва шаҳар марказларини аҳоли пунктлари билан боғловчи йўллар ҳамда шаҳар ва қишлоқлардаги ички хўжалик йўллари, йўл ўтказгичлар ва кўприклар қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларига йўналтирсин;

ж) Сув хўжалиги вазирлиги:

ажратиладиган маблағлар ҳисобидан, асосан, ўзининг тизимидаги ирригация ва мелиорация объектларини (йирик сув иншоотлари, магистрал ва хўжаликлараро тармоқларни) қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, йирик гидротехник иншоотларни хавфсиз эксплуатация қилишга қаратилган тадбирларни амалга оширсин;

ички хўжалик суғориш тармоқларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари фермер хўжаликлари ҳамда кластерларнинг маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилишини кўзда тутсин;

з) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мазкур бандда назарда тутилган чоралар амалга оширилишини мувофиқлаштирсин;

ижтимоий соҳа ва инфратузилма лойиҳаларининг манзилли рўйхатлари мазкур қарорга 1-иловада келтирилган асосий параметрларга мувофиқ шакллантирилишини таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

жорий йил 20 октябрга қадар ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларининг дастлабки манзилли рўйхатини умумлаштириш ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритиш учун тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этсин;

тегишли идоралар билан биргаликда жорий йил 1 ноябрга қадар давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 1 тадан кўп тармоқли соғлиқни сақлаш муассасаси, 2 тадан умумтаълим мактаби, 3 тадан мактабгача таъ-

лим ташкилоти ва 1 тадан спорт-соғломлаштириш иншоотини қўшимча равишда барпо этиш юзасидан 2021 йил Дастурига киритиш бўйича таклифларни Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим қилсин.

8. Молия вазирлиги ва Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги жорий йил 1 ноябрга қадар 2021 — 2023 йилларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириладиган ижтимоий соҳа ва инфратузилма лойиҳалари рўйхатини шакллантириб, Дастурга киритиш учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим қилсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги жорий йил 20 октябрга қадар Дастурга киритиладиган, тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таклифлари асосида шакллантирилган ижтимоий соҳа ва инфратузилма лойиҳаларининг дастлабки манзилли рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирлик, идора, лойиҳачи ташкилотлар ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда жорий йил 20 ноябрга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган дастлабки манзилли рўйхат асосида объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиши ва экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

Бунда, объектларнинг техник топшириқлари мавжудлиги, уларнинг лойиҳа ечимлари ҳамда замонавий энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланилганлигига алоҳида эътибор қаратилсин, шунингдек, буюртмачилар томонидан лойиҳа ташкилотларини энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаларига кўра аниқлашга рухсат берилсин.

Вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари лойиҳа-ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва экспертизадан ўтказилган объектларнинг якуний манзилли рўйхатини жорий йил 20 ноябрга қадар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим қилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги жорий йил 25 ноябрга қадар Дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 1 декабрга қадар Дастур лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда жорий йил 1 декабрга қадар 2021 йилда шаҳар ва қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш дастури параметрларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Қурилиш вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда 2021 йил 1 февралга қадар:

а) қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари якунланган объектларнинг кафолат муддатини белгилаш масаласини танқидий кўриб чиқиб, ушбу муддатларни объектларнинг тури, хавф-хатарлар тои-

фалари, функционал мақсадлари ва мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) объектларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни қабул қилиш тизимини ҳамда ушбу соҳада давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий тартибларини янада такомиллаштириш бўйича куйидагиларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифати, ишончилиги ва асосланганлиги ҳамда меъморий ва техник ечимларнинг мақбуллиги юзасидан лойиҳа ташкилотларининг жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда объектнинг тавсиявий қийматини эмас, чекланган қийматини аниқ белгилаш;

шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ва молиявий ресурслар билан таъминланмаган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга йўл қўйган юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, тегишли ваколатларга эга бўлмаган шахсларнинг қурилиш жараёнига ҳамда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишига аралашувини қатъиян тақиқлаш, зарур ҳолларда, уларни жиноий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи нормаларни қонунчиликка киритиш;

2022 йил 1 январдан бошлаб қурилиш-монтаж ишлари якунланганлиги тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари қошидаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларининг фойдаланишга рухсати олинмаган объектларни жорий сақлаш учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратмаслик;

қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини жорий қилиш.

12. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда:

2021 йил 1 апрелга қадар Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро тузилмалар ҳамкорлигида «Давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолаш (РІМА)» тизимини жорий этиш бўйича ташкилий-техник ишларни бажариш, зарур ҳужжатларни тайёрлаш, тегишли хулосаларни олиш ва меъёрий базани шакллантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни якунласин;

2021 йил 1 августга қадар мазкур бандда назарда тутилган тизимни дастлаб синов тариқасида айрим тармоқларда қўллаш ва унинг натижалари асосида кейинчалик босқичма-босқич кенг жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг бирин-

чи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 16 октябрь,
ПҚ-4864-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

456 «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фонд- ларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек, унга ўзгар- тиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1662-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловаға мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Монополияға қарши курашиш қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 сентябрь,
40-сон

**Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги директори**

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 9 сентябрь,
2020-11-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 октябрда эълон қилинган.

Келишилди:

**Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси**

Н. ШАРИПОВ

2020 йил 27 август

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2020 йил 10 сентябрдаги
40-сон ва Капитал бозорини ривожлантириш
агентлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги
2020-11-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2006 йил 14 декабрдаги 102, 01/ККБФМНМ-18/07-сон «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1662, 2007 йил 13 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 11-сон, 101-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 18 ноябрдаги 99, 01/11-18/10-сон «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1662-1, 2010 йил 9 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 49-сон, 466-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 26 февралдаги 13, 01/09-26/06-сон «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1662-2, 2014 йил 17 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 12-сон, 141-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 1 июндаги 48, 01/09-26/12-сон «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1662-3, 2015 йил 5 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 22-сон, 300-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2016 йил 25 октябрдаги 83, 01/09-26/41-сон «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1662-4, 2016 йил 22 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 47-сон, 544-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

457 **Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2467-3*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7, 01-02/19-22 ва 7/4-сон қарори (рўйхат рақами 2467, 2013 йил 12 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 24-сон, 319-модда) билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 октябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 сентябрь,
2020-34-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 август,
01-02/15-42-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 5 сентябрь,
20/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил
6 сентябрдаги 2020-34-сон, Давлат божхона
қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги
01-02/15-42-сон ва Марказий банки
бошқарувининг 2020 йил 5 сентябрдаги
20/1-сон қарорига
ИЛОВА

**Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта
операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги
юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси, Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августдаги 355-сон «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғриси-

да»ги қарорига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишини мониторинг қилиш ва пул маблағларининг хорижга асоссиз ўтказилиши аломатларини аниқлаш тартибини белгилайди.».

2. 1-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Тижорат банкларининг филиаллари мижозлар томонидан амалга оширилган қуйида кўрсатилган ҳар қандай аломатга эга бўлган валюта операциялари тўғрисидаги ахборотни тегишлилиги бўйича ҳудудий давлат солиқ бошқармаларига ёки Ўирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига, шунингдек, бош тижорат банкига тақдим этади:»;

«а» кичик банд «рўйхатдан ўтган» деган сўзлардан кейин «норезидентлар фойдасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«б» кичик банддаги «мазкур Низомнинг 2-иловасидаги» деган сўзлар «мазкур Низомнинг 2а-иловасидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«е» кичик банддаги «10 минг АҚШ долларидан» деган сўзлар «юз миллион сўмдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «йил бошидан ўсиб бориш тартибида» деган сўзлар «ҳар ҳисобот оyi учун алоҳида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ваколатли банкларнинг» деган сўзлар «Тижорат банкларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Бош тижорат банклари ўзларининг филиалларидан келиб тушган маълумотларни умумлаштиради ва ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги оyнинг 15-санасига қадар, алоқа каналлари орқали йиғма маълумотларни электрон кўринишда мазкур Низомнинг 2 — 4-иловаларига мувофиқ шаклларда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ҳар ҳисобот оyi учун алоҳида жўнатадилар.».

5. 4-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Давлат божхона хизмати органларининг ҳудудий бошқармалари ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги оyнинг 10-санасига қадар тегишлилиги бўйича ҳудудий давлат солиқ бошқармаларига ёки Ўирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига қуйидаги фактлар аниқланган тақдирда маълумотни мазкур Низомнинг 5 ва 6-иловаларига мувофиқ шаклларда (шу жумладан, алоқа каналлари орқали электрон кўринишда) тақдим этадилар:

олиб кирилаётган (олиб чиқиляётган) товарларнинг божхона расмийлаштирувида божхона органига товарнинг фактура қийматини экспорт қилувчи (импорт қилувчи) мамлакатда товарнинг маълум қилинган қийматига нисбатан асоссиз равишда ошириш (камайтириш) мақсадида нотўғри маълумотлар кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилганда (тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда хулоса илова қилинган ҳолда);»;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

6. 5-банддаги «мазкур Низомнинг 5 — 7-иловаларига» деган сўзлар «мазкур Низомнинг 5 ва 6-иловаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 6 ва 7-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Давлат солиқ хизмати органлари тижорат банклари ва давлат божхона хизмати органларидан олинган маълумотни электрон ахборот базаларидаги ҳамда солиқ органларида мавжуд бошқа маълумотлар асосида мониторинг қилади.

Мониторинг жараёнида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби бузилганлик ҳолатлари аниқланганда, ҳўжалик юритувчи субъектга валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларни ва ахборотларни тақдим этиш юзасидан ёзма ёки электрон шаклда расмийлаштирилган сўровнома юборилади.

Сўровнома электрон ҳужжат тарзида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади. Юборилган ҳужжат ўқиб чиқилгандан кейин, лекин ушбу сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай олинган деб ҳисобланади.

Агар ҳўжалик юритувчи субъектнинг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, сўровнома почта орқали буюртма хат билан юборилади ва у жўнатилганидан сўнг беш кундан кейин олинган деб ҳисобланади.

Сўровномада кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ва ахборотлар солиқ органига сўровнома олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида тақдим этилиши лозим.

Тўлиқ бўлмаган ҳужжатлар ёки ахборотлар тақдим этилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи томонидан мазкур банднинг учинчи — бешинчи хатбошиларида белгиланган тартибда қўшимча ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан сўровнома юборилади.

Давлат солиқ хизмати органлари мониторинг натижасида маблағларнинг хорижга асоссиз ўтказилиши ёки товарлар қийматини божхона расмийлаштирувида асоссиз равишда оширилиши (камайтирилиши) ҳолатлари билан боғлиқ шубҳали операцияларни аниқлаган тақдирда тижорат банклари ва бошқа давлат органларидан ушбу операцияларга оид қўшимча маълумотларни сўраб олишга ҳақли.

Мониторингни амалга ошириш жараёнида ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилмайди ва ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти тўхтатилмайди.

7. Мониторинг натижалари бўйича ҳуқуқбузарлик фактлари содир этилганлиги тасдиқланганда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўрилади ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли чоралар кўриш учун материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

Мониторинг натижалари бўйича жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари бу ҳақда уч кун муддат ичида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига ёзма хабар беради.».

8. 8-банддаги «ваколатли банкларнинг» деган сўзлар «тижорат банкларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 1 ва 2-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

10. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3-иловасига* мувофиқ таҳрирдаги 2а-илова билан тўлдирилсин.

11. 3 — 5-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 4 — 6-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

12. 7-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

13. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари*

Ж. УРУНОВ

2020 йил 21 август

*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирининг
биринчи ўринбосари*

И. НОРҚУЛОВ

2020 йил 23 август

*Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш Департаменти бошлиғи*

Д. РАХИМОВ

2020 йил 22 август

*Савдо-саноат палатаси
раисининг биринчи ўринбосари*

И. ДЖАСИМОВ

2020 йил 21 август

* 1 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

458 Табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2147-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 15 майдаги 402-сон «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 6 октябрдаги 14-сон (рўйхат рақами 2147, 2010 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 357-модда) қарори билан тасдиқланган Табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси**

Н. ШАРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 сентябрь,
04/19-05/01-сон

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 28 сентябрь

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

459 **Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3154-1

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 мартдаги ПФ-5971-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ва 2020 йил 5 июндаги ПФ-6005-сон «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 20 февралдаги 01-02/12-7-сон қарори (рўйхат рақами 3154, 2019 йил 19 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2019 й., 10/19/3154/2972-сон) билан тасдиқланган Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 9 сентябрь,
01-02/12-44-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил
9 сентябрдаги 01-02/12-44-сон қарорига
ИЛОВА

**Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона
кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар
олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 14-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Олиб кириладиган товарларнинг божхона кўриги уч ой давомида божхона кўриги тартиб-таомили видеоёзуви сақланишини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси уланишини таъминловчи видеокузатув тизими билан жиҳозланган жойлардагина амалга оширилади.»;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзига хос хусусиятларга эга, унинг ташқи ўлчамлари, физик кўрсаткичлари туфайли ёки кимёвий хоссаларига кўра ёхуд сақланишига доир алоҳида шартлар қўйилиши туфайли божхона омборига жойлаштирилиши мумкин бўлмаган товарлар, шунингдек, товар етказиб бериладиган жойда божхона омбори мавжуд бўлмаган ҳолларда, божхона кўриги товарлар етказиб берилган жойда давлат божхона хизмати органлари томонидан қўчма видеоёзув ускуналари ёрдамида тасвирга олинган ҳолда амалга оширилади ва видеотасвирлар божхона постида кўрик ўтказилган кундан бошлаб уч ой давомида сақланиши таъминланади.».

2. 31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Товарларнинг декларант томонидан кўздан кечируви, декларантнинг божхона органига ёзма ёки электрон мурожаатномасига асосан фақат божхона омбори ҳудудида амалга оширилади.

Декларантнинг ёзма ёки электрон мурожаатномаси божхона органининг электрон маълумотлар тизимида рўйхатга олинади.».

3. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Декларант томонидан товарларнинг кўздан кечируви учун мурожаатнома:

чегара божхона постида қисқа божхона юк декларацияси;

ташқи иқтисодий фаолият божхона постида божхона юк декларацияси божхона органига тақдим қилинунига қадар берилиши мумкин, бундан божхона органининг қарори асосида товарларни ўрганиш ҳолатлари мустасно.

Бунда божхона органининг мансабдор шахси:

кўздан кечиришни амалга ошираётган шахснинг товарларга нисбатан ваколатга эгалигини аниқлаши;

транспорт воситаларини ташқи тарафдан кўздан кечириш орқали зиён етказилмаганлигини ҳамда божхона идентификациялаш воситаларининг бузилиши орқали товарларнинг йўқолиш эҳтимоллари мавжудлигини аниқлаши;

божхона идентификациялаш воситалари мавжудлиги ҳамда уларга шикаст етказилмаганлигини аниқлаши;

божхона идентификациялаш воситаларининг олиб ташланиши ва транспорт воситаси юкхонасининг очилишида иштирок этиши;

кўздан кечируви жараёни якуни бўйича маълумотларни мурожаатномага киритиши лозим.».

4. 36-банднинг биринчи хатбошиси «ахборот тизимида» деган сўзлардан кейин «, шу жумладан, мобил иловалар орқали» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

**Савдо-саноат палатаси
раисининг биринчи ўринбосари**

И. ДЖАСИМОВ

2020 йил 17 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

460 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг кундузги таълим шаклига номзод-
лар танловини ўтказиш бўйича методикаларга ўзгартиришлар
киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2987-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июл-
даги 422-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини бос-
қичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қаро-
рига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 фев-
ралдаги 35-сон буйруғи (рўйхат рақами 2987, 2018 йил 29 март) (Қонун
ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2018 й., 10/18/2972/
0710-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва-
зирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодлар танловини
ўтказиш бўйича методикаларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритил-
син.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 сентябрь,
260-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 ок-
тябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2020 йил
17 сентябрдаги 260-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодлар
танловини ўтказиш бўйича методикаларга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 91-банд ва 93-банднинг биринчи хатбошисидаги «маънавият асослари ва миллий истиқлол ҲоҶси: асосий тушунча ва тамойиллар» деган сўзлар «тарбия» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 103-банднинг бешинчи хатбошисидаги «маънавият асослари ва миллий истиқлол ҲоҶси: асосий тушунча ва тамойиллар фанлари» деган сўзлар «тарбия фани» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 10 сентябрдаги 40-сон, 2020 йил 9 сентябрдаги 2020-11-сон «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1662-5.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 6 сентябрдаги 2020-34-сон, 2020 йил 29 августдаги 01-02/15-42-сон, 2020 йил 5 сентябрдаги 20/1-сон «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2467-3.

3. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 29 сентябрдаги 04/19-05/01-сон «Табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2147-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 9 сентябрдаги 01-02/12-44-сон «Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3154-1.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 17 сен-

тябрдаги 260-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодлар танловини ўтказиш бўйича методикаларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2987-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1662, 2007 йил 13 март), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1662-1, 2010 йил 9 декабрь), (рўйхат рақами 1662-2, 2014 йил 17 март), (рўйхат рақами 1662-3, 2015 йил 5 июнь), (рўйхат рақами 1662-4, 2016 йил 22 ноябрь).

2020 йил 12 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

